БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 26 (1288)
3 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Коммунизмга ўтиш учун фақат моддий-техника базасини ривожлантиришгина эмас, балки жамиятнинг барча гражданлари юқори даражада онгли бўлиши ҳам зарур. Миллионларча омманинг онглилиги қанча юқори бўлса, коммунистик қурилиш планлари ҳам шунча муваффақиятли бажарила боради. Ҳозирги вақтда меҳнаткашларни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ғоят катта аҳамиятга эга бўлишининг сабаби ҳам шудир.

(КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида» қилган докладидан).

Партия ва халқ бирлигининг қудратли намойиши

Шу кеча-кундузда бутун илғор инсониятнинг, ҳар бир совет ватанпарварининг назар-эътибори, фикр-зикри улуғ Москвага, Катта Кремль Саройига қаратилган. Бу ерда бир ҳафтадан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съезди — коммунизм қурувчилар съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Съездда дунёдаги 70 мамлакатдан келган қардош коммунистик ва ишчи партияларининг делегатлари қатнашмоқдалар. Жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихида, партия ва халқимиз ҳаётида ғоят муҳим воқеа ҳисобланган КПСС съезди минбаридан марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётбахш ҳақиқати, Ленин ғояларининг улуғвор тантанаси зўр қудрат ва салобат билан жаранглаб эшитилмоқда.

Съезд делегатлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисидаги докладини тўла якдиллик вазиятида муҳокама қилмоқдалар. Съезд минбаридан чиқиб сўзлаётган нотиқлар орасида партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари ҳамда партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимларидан ташқари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенциясининг вакиллари ҳам бор. Улар ўзларини съездга вакил қилиб юборган партия ташкилотларининг фикрини, бутун совет халқининг фикрини ифодалаб, бу етти йилликда партиянинг мамлакат олдига қўйган вазифалари муваффақиятли равишда амалга оширилишига қатъий ишонч билдирмоқдалар.

Коммунистик партиянинг энг юқори органи ҳисобланган бу съездда халқ вакилларининг, турли касб эгаларининг қатнашаётганлиги, съезд кун тартибига қўйилган масалани муҳокама этишда уларнинг актив иштирок этаётганлиги партия ва халқимизнинг қудратли монолит бирлиги ва жипслигини кўрсатади. Бу бирлик ва жипслик мавжуд экан, биз ҳеч қачон енгилмаймиз, ҳамма вақт ва ҳар қандай ишда ғалаба қиламиз. Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида инсониятнинг энг юксак орзуси — коммунизм сари дадил қадам ташлаб олга бораверамиз. Совет халқи ленинчи партиямизни ўзининг синалган йўлбошчиси ва устози деб, унинг доно раҳбарлигини коммунизмнинг янгидан-янги ғалабаларига эришиш гарови деб билади.

КПСС XXI съезди совет кишиларининг сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббуси мисли-сиз ўсган шодиёна кунларда ўтмоқда, партия ва халқ бирлигини бутун дунёга ёрқин намойиш қилмоқда. СССР халқларининг ягона қардошлик оиласига ихтиёрий равишда бирлашган барча социалистик миллатлар коммунистик қурилишнинг ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида кенг баён қилинган улуғвор программасини қизғин табриклямоқдалар, съездининг ишлари, партия ва халқнинг қудратли бирлиги барча совет кишиларини астойдил қувонтирмоқда.

Етти йил ичида Совет Иттифоқи ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулоти Совет ҳакимияти вужудга келгандан бери ўтган бутун йиллар давомида, яъни 41 йил ичида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотига баравар келиб қолади. Ўз улуғворлиги жиҳатидан тарихда бунга тенг келадиган программа бўлган эмас! Шонли етти йиллик план социализм лагеридаги барча меҳнаткашларнинг қалбини чексиз қувонч ва ифтихор туйғулари билан тўлдирган бўлса, капитализм дунёсини ва аввало, АҚШ империалист доираларини жуда ташвишлантириб қўйди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съезднинг материалларини зўр қизиқиш ва эътибор билан ўрганаётган эканлар, партиямизнинг ленинча сиёсатини якдиллик билан маъқулламоқдалар ва янги етти йиллик планни амалга оширишга қатъий қарор берганликларини изҳор қилмоқдалар. Уларнинг бу қатъий иродаси ва бирдамлиги, партия ва ҳукуматимиз атрофига маҳкам жипслашганлиги КПСС XXI съезди шарафига ҳамма жойда ўтказилаётган кўпкишилик митингларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Тошкентдаги Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводининг тепловоз устахонаси мастери ўртоқ С. Мирзаахмедов завод коллективининг мингдан ортиқ киши иштирок этган митингида бундай деди:

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади бизнинг қалбимизни қувонч билан тўлдиради, бизга янгидан-янги куч-ғайрат бахш этади. Бу докладни ўқиганда янги етти йилликда бизнинг мамлакатимиз қандай катта қадам билан олга ривожланишини, халқимизнинг турмуши нақадар юксак даражага кўтарилишини аниқ-равшан тасаввур этамиз. Биз ишчилар контроль рақамларни муваффақиятли амалга ошириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

— Биз ажойиб кунларда яшаб турибмиз, — деди Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тўқувчилик фабрикаси мастерининг ёрдамчиси ўртоқ Ф. Исроилов, — ўртоқ Н. С. Хрушчев съездда қилган докладида кўрсатилган етти йиллик план бизнинг бойликларимизни орттиради, мамлакатда маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлишини таъминлайди.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ўз ишини давом эттираётган қувончли кунларда барча совет кишилари билан биргаликда жонажон коммунистик партияга, социалистик Ватанга чексиз садоқатларини, партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар қилишга доим тайёр турганликларини намойиш қилмоқдалар. Бу Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланиб шу кунларда ўтказилаётган сайловолди йиғилишларида айниқса яққол кўринмоқда. Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари мамлакатда хўжалик ва маданий қурилишнинг ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида чизиб берилган ғоят катта, улуғвор истиқболлар ҳақида, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги тўғрисида гапириб, зўр сиёсий активлик вазиятида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларини, атоқли фан, маданият ва санъат арбобларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, Совет Армияси вакилларини депутатликка кандидат қилиб кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидати кўрсатилганлар орасида Тошкентдаги 1-босмахонанинг харф терувчиси Турсунной Абдураззоқова, 158-қурилиш трестининг ишчиси Анна Лукьяновна Зопольская, республика халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, 4-«Боёвут» совхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи Насиб Бекиров, Паркент районидаги Сталин номли колхоз чўпони Малик Тошов, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси Мамараим Юнусов, ТашМИ профессори Ольга Николаевна Павлова ва бошқалар бор.

Партия XXI съездининг марксизм-ленинизмнинг енгилмас таълимотига асосланган қарорлари кишилик тарихида янги давр, коммунизм қуриш даврини очади. Ленинчи Коммунистик партиямиз халқ билан маслаҳатлашиб, коллективнинг ақл-идрокига мурожаат қилиб, янги фикрларни, дадил идеяларни халқ донишмандлигидан, халқ тажрибаларидан олиб, қаҳрамон халқимизни коммунистик жамиятни барпо этиш йўлида комил ишонч билан олга бошлаб бормоқда.

Иттифоқчи республикаларнинг Олий Советларига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларига

ОЧИҚ ХАТ

Биз, қуйида қўл қўювчилар, заводлар, фабрикалар, қурилишлар, шахталар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртлари меҳнаткашларининг, аскарий қисмлар шахсий составининг коллективларидан бизларни иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, бир қанча сайлов округларида овозга қўйилишга розилик беришни сўраб юборган хатлари ва телеграммаларини олдик.

Бизнинг номзодларимизни қўйган ҳамма сайловчиларга бизга кўрсатган ишончлари учун самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Қонунга кўра, ҳар биримиз фақат битта сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкин эканлиги муносабати билан бизлар, коммунистлар ва КПСС Марказий Комитетининг аъзолари сифатида, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига кўрсатма сўраб мурожаат қилдик. КПСС Марказий Комитети ўзимиз ишлаб турган ва яшаб турган территориядаги Иттифоқчи республиканинг Олий Советига сайланишимизни мақсадга мувофиқ деб топди ва бизга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилишга розилик беришимизни тавсия қилди:

Аристов А. Б. — Воронеж-Левобережний сайлов округи, Воронеж области, РСФСР.

Беляев Н. И. — Олмаота — Ленин сайлов округи, Олмаота шаҳри Қозоғистон ССР.

Брежнев Л. И. — Дзержинский сайлов округи, Новосибирск области, РСФСР.

Ворошилов К. Е. — Тракторозавод сайлов округи, Сталинград области, РСФСР.

Игнатов Н. Г. — Кропоткин сайлов округи, Краснодар ўлкаси, РСФСР.

Калнберзин Я. Э. — Рига сайлов округи, Рига шаҳри, Латвия ССР.

Кириленко А. П. — Невьянск сайлов округи, Свердловск области, РСФСР.

Кириченко А. И. — Москворецк сайлов округи, Москва шаҳри, РСФСР.

Козлов Ф. Р. — Нева сайлов округи, Ленинград шаҳри, РСФСР.

Коротченко Д. С. — Житомир сайлов округи, Житомир области, Украина ССР.

Косигин А. Н. — Ярославль-Сталин сайлов округи, Ярославль области, РСФСР.

Куусинен О. В. — Виборг сайлов округи, Ленинград шаҳри, РСФСР.

Мазуров К. Т. — Автозавод сайлов округи, Минск шаҳри, Белоруссия ССР.

Мжаванадзе В. П. — Калинин сайлов округи, Тбилиси шаҳри, Грузия ССР.

Микоян А. И. — Ленин сайлов округи, Ростов области, РСФСР.

Муҳитдинов Н. А. — Уфа-Оржоникидзе сайлов округи, Бошқирдистон автоном республикаси, РСФСР.

Подгорний Н. В. — Центральний сайлов округи, Киев шаҳри, Украина ССР.

Полянский Д. С. — Челябинск-Совет сайлов округи, Челябинск области, РСФСР.

Поспелов П. Н. — Белгород шаҳар сайлов округи, Белгород области, РСФСР.

Суслов М. А. — Ставрополь сайлов округи, Куйбишев области, РСФСР.

Фурцева Е. А. — Фрунзе сайлов округи, Москва шаҳри, РСФСР.

Хрушчев Н. С. — Калинин сайлов округи, Москва шаҳри, РСФСР.

Шверник Н. М. — Коломна сайлов округи, Москва области, РСФСР.

Шу сабабли тегишли сайлов комиссияларидан бизнинг бу баёнотимизни иттифоқчи республикалар Олий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш вақтида ҳужжат деб ҳисоблашларини илтимос қиламиз.

АРИСТОВ А. Б.
БЕЛЯЕВ Н. И.
БРЕЖНЕВ Л. И.
ВОРОШИЛОВ К. Е.
ИГНАТОВ Н. Г.
КАЛНБЕРЗИН Я. Э.
КИРИЛЕНКО А. П.
КИРИЧЕНКО А. И.
КОЗЛОВ Ф. Р.
КОРОТЧЕНКО Д. С.
КОСИГИН А. Н.
КУУСИНЕН О. В.
МАЗУРОВ К. Т.
МЖАВАНАДЗЕ В. П.
МИКОЯН А. И.
МУҲИТДИНОВ Н. А.
ПОДГОРНИЙ Н. В.
ПОЛЯНСКИЙ Д. С.
ПОСПЕЛОВ П. Н.
СУСЛОВ М. А.
ФУРЦЕВА Е. А.
ХРУШЧЕВ Н. С.
ШВЕРНИК Н. М.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатилмоқда

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида республика Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишлари давом этмоқда.

Тўла якдиллик вазиятида меҳнаткашлар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларини, фан ва маданият атоқли арбобларини, партия, совет, касаба союз ходимларини, Совет Армияси намояндаларини ўз кандидатлари қилиб кўрсатмоқдалар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Таширмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Фурманов сайлов округидан депутатликка кандидат қилиб Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг биринчи секретари **Комил Нуъмоновни (Яшин)** кўрсатдилар.

Пайпоқ-трикотаж фабрикаси коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Иброҳим Мўминович Мўминовни** Чапаев сайлов округидан депутатликка кандидат қилиб тавсия этди.

Этар-жабдуқ фабрикаси коллективининг сайловолди йиғилишида Димитров сайлов округидан Радиотелецентр ҳалқ чолғу асбоблари оркестрининг бадиий раҳбари композитор **Юнус Ражабий** депутатликка кандидат қилиб кўрсатилди.

Собир Раҳимов сайлов округида «Узремвес» заводи коллективининг сайловолди йиғилишида депутатликка кандидат қилиб Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Шамсиддин Исломов** кўрсатилди.

Республика Фанлар академиясининг вице-президенти **Сергей Васильевич Стародубцевни** ТашРЭС ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари Большевистик сайлов округидан депутатликка кандидат қилиб тавсия этдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Оҳангарон районидаги наслчорчилик совхозининг донгдор сут соғувчиси **Меҳри Бегманова** шу хўжалик коллективининг сайловолди йиғилишида Облиқ сайлов округидан депутатликка кандидат қилиб кўрсатилди.

«Туябўгузстрой» коллективининг сайловолди йиғилиши қатнашчилари Пахтаобод сайлов округидан депутатликка кандидат қилиб шу қурилишдаги экскаватор бригадасининг бошлиғи **Алексей Владимирович Мальцевни** тавсия этдилар.

Калинин сайлов округида Калинин районидаги Киров номли колхоз аъзолари депутатликка кандидат қилиб республиканинг атоқли ёзувчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Ғофур Ғуломович Ғуломовни (Ғофур Ғулом)** кўрсатдилар.

Меҳнаткашлар коллективларининг сайловолди йиғилишларида қуйидагилар депутатликка кандидат қилиб кўрсатилдилар: «Пискент» совхозининг донгдор бригада бошлиғи **Зарифа Убайдуллаева,** Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Эркин Турдиевич Шайхов,** «Ташавтомаш» заводининг крановчиси **Зоя Яковлевна Ткаченко,** Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдужамил Матқобулов,** Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг мастери **Сайид Нуриддинов,** Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари **Шунур Солихович Исамуҳаммедов,** Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози трактор-далачилик бригадасининг звено бошлиғи **Василий Никифорович Бибаров,** Тошкент районидаги Ленин номли қишлоқ хўжалик артелининг сут соғувчиси **Умри Аҳмедова,** Мирзачўл район партия комитетининг биринчи секретари **Кинабек Укубоев,** Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ғуломмахмуд Абдуллаев,** Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг ферма мудири **Екатерина Ивановна Черняк,** Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Назира Йўлдошева,** Чирчиқ электрохимия комбинатининг техноруги **Тамара Михайловна Познякова,** Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Турсунбой Латипов,** Чирчиқ электрохимкомбинатининг директори **Иван Георгиевич Анисимкин,** Верхне-волинск районидаги «Красний Октябрь» колхозининг раиси **Яков Никлаевич Пискорский,** Гулистон районидаги Ленин номли колхоз раиси **Сойиб Назаров,** Янгиер шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Исмоил Раҳматов,** суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи **Илёс Акбарович Полвонов,** Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Шин Ден Дик.** (ЎзТАГ).

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛИГИГА КАНДИДАТЛАР КЎРСАТИШ-

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида баланд сиёсий руҳ вазиятида маҳаллий Советлар депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган дастлабки сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар маҳаллий Советларга ўз вакиллари қилиб саноат, транспорт ва қурилиш илғорларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларини, фан ва маданият арбобларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, Совет Армияси жангчиларини кўрсатмоқдалар.

Тошкент область Қуйи Чирчиқ районидаги Ворошилов номли колхоз аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан область Совети депутатлигига кандидат қилиб шу колхознинг звено бошлиғи **Анна Дмитриевна Грачкова** тавсия этилди. Калинин районидаги Сталин номли колхозда бўлган сайловолди йиғилиш қатнашчилари область Совети депутатлигига кандидат қилиб шу колхознинг донгдор сут соғувчиси **Ҳикоят Абдуллаевани** кўрсатишга қарор қилдилар.

Сайловолди йиғилишларида Тошкент область Совети депутатлигига кандидат қилиб қуйидаги кишилар кўрсатилди: Пискент районидаги Хрушчев номли колхоз правлениесининг раиси **Холиқул Абдуқулов,** Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг звено бошлиғи **Ачабу Неъматуллаева,** Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада механиги **Шонир Фозилов,** Паркент районидаги Охунбобоев номли колхознинг сут соғувчиси **Риқи Ғуломова.** (ЎзТАГ).

Осиё ва Африка ёзувчилари Доимий бюроси билан алоқа қилувчи Совет комитети ташкил этилди

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг ўтган йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида қабул қилинган қарорларни бажариш масаласини қараб чиқди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати Тошкент конференциясининг қарорига мувофиқ, Осиё ва Африка ёзувчилари Доимий бюроси билан алоқа қилувчи Совет комитетини таъсис этишга қарор қилди. Комитетнинг иш ўрни Коломбо шаҳрида (Цейлон) бўлади деб белгиланди.

Комитет составига Ўрта Осиё, Закавказье ва Россия Федерацияси республикаларининг вакиллари кирди. Осиё ва Африка ёзувчилари Доимий бюроси билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси қилиб Ш. Р. Рашидов, раис ўринбосарлари қилиб А. В. Софронов ва М. Гусейн, масъул секретари қилиб К. А. Чугунов сайланди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди. Жумладан, конференция ҳужжатлари тўпламини рус тилида ва бошқа тилларда нашр этишга, шунингдек Осиё ва Африкадаги ҳозирги замон ёзувчилари асарларини эълон қилишда совет нашриётларига ёрдам беришга қарор қилинди.

Осиё ва Африка ёзувчилари билан ўзаро делегациялар юборишни кенгайтириш, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1960 йилда ўтказиладиган конференциясига тайёргарликни авж олдириб юбориш мўлжалланади.

(ТАСС).

Кўп болали оналар мукофотланди

Меҳнаткашлар депутатлари Андижон, Бухоро ва Тошкент область Советлари ижроия комитетларининг тақлимига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиуми номидан 5-9 бола туққан ва тарбиялаб ўстирган кўп болали оналардан 2610 кишини орден ва медаллар билан мукофотлади.

Кўп болали оналардан 463 киши I, II ва III даражали «Оналик шуҳрати» орденлари билан ва 2147 она I ва II даражали «Оналик медали» медаллари билан мукофотланди. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

31 январь эрталабки мажлис

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этмоқда.

Социалистик Ватан экономикаси ва маданиятини якка кенг миқёсда юксалтиришнинг улуғвор плани жуда реал пландир — делегатларнинг нутқларида айтилаётган асосий, марказий фикр шу. Нотиқлар ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида илгари сурилган янги назарий қоидалар коммунистик жамият қуриш йўлини ёритувчи марксизм-ленинизм назариясига қўшилган қимматбаҳо ҳисса эканлигини ҳам айтмоқдалар.

31 январдаги эрталабки мажлис ўртоқ **Л. Н. Ефримов** раислигида очилди. У, Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. Д. Мустафоев**га сўз берди.

Бу съезд, — деди ўртоқ Мустафоев, — партиямиз тарихига Совет мамлакати тараққиётида янги даврни — коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврини бошлаб берган ёрқин саҳифалардан бири бўлиб ёзилади. Совет Иттифоқи ишлаб чиқаришнинг абсолют ҳажми жиҳатидан ҳам, шунингдек аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам тарихан қисқа муддат ичида жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олиши ва халқнинг турмуш даражаси жиҳатидан жаҳонда энг юксак мамлакат бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан, — деб давом қилди сўнгра ўртоқ Мустафоев, — Озарбайжон Якин ва Ўрта Шарқнинг қолоқ мамлакатлари билан бир қаторда турган вақтлар бўлган эди. Бугунги кунда эса, Озарбайжон саноати ва қишлоқ хўжалиги, социалистик маданияти юксак даражада ривожланган илғор Совет республикасига айланди.

Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Озарбайжонда Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидагига ва ҳатто Европанинг Франция, Италия сингари мамлакатларидагига қараганда анча кўп электр қуввати ҳосил қилинмоқда. Озарбайжон ўтган йил темир рудани Туркиядагига қараганда анча кўп қазиб чиқарди ва пўлатни ҳам Туркиядагига қараганда анча кўп ишлаб чиқарди. Ҳар ўн минг кишига тўғри келадиган студентларнинг сони жиҳатидан Озарбайжон барча Шарқ мамлакатларидангина эмас, шу билан бирга Англия ва Франциядан ҳам ўзиб кетди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси қўшни Шарқ мамлакатларининг биронтасида ҳам Озарбайжондагидек юксак погонага кўтарилган эмас.

Етти йил мобайнида, — дейди ўртоқ Мустафоев, — республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 93 процент кўпайтиради. Оғир индустриянинг асосий тармоқлари анча ривожлантирилади. Масалан, рангли металлургия ялпи маҳсулотининг ҳажми 3,5 баравар, кимё саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми 6,4 баравар, машинасозлик ва металл ишлаш саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми 2,6 баравар кўпайтирилади. Нефть ва газ чиқариш оширилади. Республикада сунъий тола, сунъий чарм, пластмассадан янги буюмлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилади.

Сўнгра ўртоқ **А. И. Кириченко**га сўз берилди. Мамлакатимиз эришган жуда катта муваффақиятларнинг ҳаммаси, — деди у, — партиямиз олиб борган зўр ташкилотчилик ишининг натижасидир, партия ўтказаётган раҳбарлик, етакчилик ролининг, узоқни кўрувчи ленинча сиёсатининг натижасидир. Партия марксизм-ленинизм назариясини ривожлантириб ва ижодий татбиқ қилиб, олга боришимизга тўсқинлик қилаётган, ўз умрини тугаттан, эскириб қолган нарсаларнинг ҳаммасини дадиллик билан йўлдан улоқтириб ташламоқда.

Ўртоқ Кириченко айтдики, И. В. Сталин вафотидан кейин Марказий Комитетнинг экономикани, маданиятни янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим талбирларига қарши чиққан ва партияга қарши бўлган группа мана шундай тўсқин бўлиб қолди. Турмушдан ажралиб қолган манфур догматиклар, шу группанинг аъзолари ўзлари чинакам марксизм-ленинизмдан, халқ турмушидан, назарияни моддий кучга айлантираётган нарсаларнинг ҳаммасидан нақадар орқада қолиб кетганликларини ҳаёлларига ҳам келтирмадилар.

Ўз халқининг ўтмишини ўрганиш ва билиш билан бирга меҳнаткашларнинг бугунги турмушини ҳам яхши билган ва келажакка қарай оладиган кишигина, — дейди ўртоқ Кириченко, — чин марксист-ленинчилир. Партия ички ва халқаро сиёсатнинг ҳамма масалаларини, коммунизм қуришда тутилаётган ҳамма вазифаларни ижодий марксизм-ленинизм позициясидан туриб реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилаётир.

КПСС Марказий Комитети, — деб давом қилади ўртоқ Кириченко, — бирин-кетин энг муҳим тадбирларни амалга оширганида нақадар узоқни кўриб иш қилганлиги ва нақадар ҳақли бўлганлиги ҳозирги вақтда энг ашаддий ноумидларга ҳам аён бўлиб турибди.

Бизнинг саноатимиз хўжаликка раҳбарлик қилишнинг вужудга келган формаларини ва методларини тубдан ўзгартирганидан кейин ҳозирги вақтлагидек ҳеч қачон шу қадар юксалмаган эди. Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш вазифаларини амалга оширишда ҳам Коммунистик партиянинг, партия Марказий Комитетининг ижодкорлик ва уюштирувчилик роли алоҳида зўр куч билан намоён бўлди.

Бизнинг партиямиз, — дейди ўртоқ Кириченко, — халқ билан ўзининг бирлигини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаб олди. Совет халқининг энг яхши ўғиллари ва қизлари инсониятнинг энг юксак идеалларини рўёбга чиқариш йўлида партия сафида туриб курашмоқ учун Коммунистик партия қаторига кирмоқдалар. Партиянга кираётганларнинг сони тўхтовсиз кўпаймоқда. КПСС XIX ва XX съездига қадар ўтган уч йилдан сал кўпроқ вақт ичида партиянга 736 минг киши кирган бўлса, партиянинг XX съезди билан XXI съезди ўртасида ўтган сал кам уч йил вақт ичида партиянга бир миллиондан кўпроқ киши қабул қилинди.

Етти йиллик планнинг улуғ режаларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажармоқ учун омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини тагин ҳам юқори кўтаришимиз лозим. Етти йиллик план, — дейди нотиқ, — ҳар бир коммунист учун жанговар иш программаси бўлиб қолиши лозим. Етти йиллик плани амалга ошириш йўлида совет халқи олиб бораётган умумий ишда ҳар ким ўз ўрнини, ўз ролини топиши лозим. Бошланғич партия ташкилотларининг уюштирувчилик роли мана шунда ўзини кўрсатиши лозим. Бу ишда ленинчи комсомолимизнинг роли ҳам катта.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

«КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАР СЪЕЗДИ»

Кинохрониканинг махсус сонлари

Миллионлаб совет кишилари экранда КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди тўғрисидаги кинохроникани кўрадилар. Кинохроника операторлари ҳозир ана шу муҳим воқеани суратга олмоқдалар.

«Коммунизм қурувчилар съезди» сериясидан бўлган иккита махсус киножурнал 31 январда кечаси Москва телевидениеси орқали кўрсатилди. ...Экранда Катта Кремль Саройи. Эрта саҳар. Съездга Совет Иттифоқининг ҳамма томонидан келган делегатлар — партия ва халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари узлуксиз Кремльга келмоқдалар. Бу ерда чет эллик меҳмонлар — қардош партияларнинг вакиллари, Осиё Европа, Америка, Африка ва Австралиядан келган меҳмонлар ҳам бор.

Операторлар съезд очилиши пайтини суратга олганлар. Минбарда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев турипти. Делегатлар ва меҳмонлар унинг докладини зўр эътибор билан тингламоқдалар.

Иккинчи киножурнал коммунизм қурувчилар съездининг ишини ҳикоя қилишни давом эттирди. Совет раҳбарлари ва съезднинг бошқа делегатларининг сўзлаётган пайтлари, шунингдек меҳмонлардан Чжоу Энь-лай, Владислав Гомулка, Пальмиро Тольятти, Жак Дюклонинг сўзлаётган пайти тамошабинлар кўз олдидан ўтади.

Операторлар ҳаёжонли пайтни суратга олганлар: Хитой Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи Чжоу Энь-лай сўзлаб бўлганидан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев қардош улуғ хитой халқининг вакилини дўстона қучоқлайди.

КПССнинг XXI съезди тўғрисида бир қанча махсус киножурналлар суратга олинади. (ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Сўнгра ўртоқ Кириченко кадрлар билан ишлашга тўхталади. Партиямиз, — дейди у, — халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқлари учун, партия ва давлат органлари учун юксак малакали ходимларни ўстириб ва тарбиялаб етиштирди. Иттифоқчи республикаларда ажойиб маҳаллий кадрлар ўсиб етишди. Бироқ, бу ҳол улар билан олиб бориладиган ишларни сусайтириш учун ҳеч қандай асос бўлолмайди. Аммо, айрим раҳбарлар, модомики мамлакатда иш яхши бораётган экан, демак, кадрлар билан ишлаш соҳасида ҳеч қандай алоҳида масалалар қолмади деб ҳато фикр қиладилар. Равшандирки, бундай фикрлар нотўғри ва зararлидир. Етти йиллик планнинг улуғвор топшириклари партиянинг, давлатнинг раҳбар кадрларга бўлган талабларни бизга пасайтириш эмас, балки ошириш мажбуриятини юклайди. Бу кадрлар билан олиб бораётган ишларимизнинг хаммаси янги, тагин ҳам юқори босқичга кўтарилиши лозим.

Ҳозирги вақтда турмуш раҳбар партия, совет, хўжалик ва касаба союз кадрлари орасида мутахассисларнинг, турли хўжалик тармоқларини яхши биладиган кишиларнинг кўпроқ бўлишини талаб қилмоқда. Бинобарин, олий маълумотли кишиларни ҳам, шунингдек катта турмуш тажрибаси билан бойиган ва меҳнаткашлар орасида обрў ортирган практикларни ҳам раҳбар партия, давлат, хўжалик ишларига ва бошқа ишларга кўтариш учун эшикларни кенг очиб қўйиш керак.

Ҳозирги вақтда, — дейди пировардида ўртоқ А. И. Кириченко, — коммунизм идеялари бутун дунёда ҳукмрон идеялар бўлиб қолмоқда, бу идеялар учун чегаралар ва чегара тўсиқлари йўқ, бу идеялар ўзларининг ҳаётбахш кучлари ва ҳақконий идеялар бўлганликлари билан халқларни ўзига мафтун қилмоқда.

Социалистик тузумнинг капитализмга нисбатан бениҳоя устунлиги капиталистик, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги меҳнаткашларни тобора кўпроқ революционлаштираётганлигини кўриб буржуа назариётчилари ва ўз хўжайинларининг тақдири учун ташвишга тушиб қолган ва мазкур назариётчилар билан битта аравага қўшилган ўнг социалистлар капитализмнинг маразларини ва иллатларини бир амаллаб никобламоқ, капитализмнинг бужмайиб бораётган башарасини бўяб кўрсатмоқ, янги либослар кийинтириб капитализмни ясантириб кўрсатмоқ учун ўлгудек ҳаракат қилмоқдалар.

Капитализмни «яхшилаш», уни «фарогатли системага» айлантириш тўғрисида кейинги вақтларда кўпгина ҳар хил «назариялар» ва лойиҳалар пайдо бўлди. Буржуа назариётчилари ва ўнг социалистлар меҳнаткашларни алдашга уриниб, капитализм ўсиб социализмнинг қандайдир бир турига айланади деган идеяларни ривожлантирмоқдалар. Лекин бу найранглар уларнинг капитализмни қутқариб қолишларига ёрдам беролмайди.

Коммунизм — инсониятнинг бақоридир. Шу сабабли капиталистлар ва уларнинг малайлари тарихнинг боришини тўхтатиб туришга ҳар қанча уринсалар ҳам, коммунизм идеялари баҳорнинг тошқин сувлари каби жаҳоннинг ҳамма мамлакатларига ёйилади.

СССР шонли ишчилар синфининг вакили — Минск автомобиль заводининг пўлат эритувчиси ўртоқ **Д. И. Барашкин** ўз нутқида омма КПСС XXI съездини меҳнатлари ўз ғайратини ва ўзининг сиёсий актив-лигини ниҳоят даражада юксалтириб кутиб олганлиги ҳақида гапиради.

Ўртоқ Барашкин делегатларнинг қарсаклари остида айтдики, мен партиянинг XXI съезлини муносиб нишонлашга ният қилиб, шахсан ўзим пўлат эритишни етти йилликнинг биринчи йилида 20 процент кўпайтириш, ҳар ойда 20 минг киловатт-соат электр қуввати тежаш мажбуриятини олдим. Бу ваъдамни бажарайтирман: ҳар сменада пландан ташқари 3 тоннадан пўлат эритиб бермоқдаман. Бу ғунчалик кўп маҳсулот эмас, албатта, — дейди пўлат эритувчи, — лекин агар бу арзимас ҳисса етти йилликдаги сменалар сонига кўпайтирилса ва бунга миллионлаб совет кишиларининг меҳнати қўшилса, у вақтда қўшимча равишда бир неча юз минг тонна пўлат ҳосил бўлади. Пўлатнинг бу қўшимча тонналари эса бизнинг коммунизм сари боришимизни жадаллаштиради. Сменамдаги ишчиларнинг ҳаммаси бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Улар партия съезди очилиши шарафига вахтада туриб, коммунистик меҳнат сменаси деган ном олиш учун мусобақага қўшилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича қишлоқ хўжалик бўлими мудири ўртоқ **В. П. Миларшчиков** ўз нутқини Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига бағишлади.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги, экин майдонларининг структураси ўзгартирилганлиги, деҳқончилик маданияти ошганлиги натижасида республикада дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, узун толали зиғир ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлаш анча кўпайди. Россия Федерациясида галлани ялпи ҳосили кейинги беш йил ичида 2 миллиард 900 миллион пуддан 4 миллиард 800 миллион пудга етди. Ўтган йил давлатга 1 миллиард 934 миллион пуд галла сотилди, ваҳоланки 1953 йилда бутун мамлакатда давлатга топширилган галла 1 миллиард 899 миллион пудни ташкил этган эди. Шу вақт ичида қанд лавлагининг ялпи ҳосили 4 баравар кўпайди, шунга яраша қанд ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. Зиғир поя толаси ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпайди. Картошка ва сабзавот ҳосили ҳам анча кўпайди.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг кўп вақтдан бери энг қолоқ тармоғи бўлиб келган эди, — дейди нотиқ. — Эндиликда республика колхозлари ва совхозлари чорвачилик маҳсулотини оширишга ва чорва моллар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Сут тайёрлаш икки баравар кўпайди. Бироқ, — дейди ўртоқ Миларшчиков, — гўшт етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш суръатлари мутлақо етарлик эмас.

Ўртоқ Миларшчиков етти йиллик план вазифаларига тўхталиб айтдики, — шу муддат ичида Россия Федерацияси ялпи дон етиштиришни 1,8 миллиард пуд кўпайтириб, 6,6 миллиард пудга етказиши лозим. Экин майдонларини кенгайтириш билан бир қаторда ҳосилдорликни ошириш дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервидир. Ҳар бир гектардан олинаётган галла ҳосилини фақат 2 центнер кўпайтирган тақдирда ҳам галланинг ялпи ҳосили яна бир миллиард пуд кўпаяди. Ёш молларни нобуд қилмай ўстириб вояга етказиш, ёш урғочи чўчқаларнинг ҳаммасини бир марта болалатиб олиш, паррандалар ва қўйнлар сонини кўпайтириш гўшт етиштиришни кўпайтирадиган резервлардир.

Делегатлар Куба Халқ социалистик партияси ижроия комитети аъзоси ўртоқ **Северо Агирре**нинг нутқини қизғин кутиб олдилар. Ўртоқ Агирре Куба Халқ социалистик партиясининг Миллий комитети, унинг бош секретари ўртоқ Блас Рока номидан, Батистанинг қонли диктатурасини улоқтириб ташлаган бутун Куба халқи номидан КПСС Марказий Комитетига ва съезд делегатларига қизғин қардошлик саломини топширди.

Куба Совет Иттифоқи чегараларидан анча узоқда бўлса ҳам, — дейди нотиқ, — лекин унинг халқи совет кишиларининг ажойиб муваффақиятларини зўр қизиқиш ва чинакам хурсандчилик билан кузатиб турибди. Куба халқи сингари империалистик асоратга қарши курашаётган халқларга бу муваффақиятлар рағбатлантирувчи воситагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга таъсирли ёрдам ҳамдир, тинчлик ва социализм ишига қўшилаётган жуда катта ҳиссадир.

Куба вакили съезд делегатларига ўз халқининг Американикинг малайи бўлган Батиста режимига қарши олиб борган кураши ҳақида гапириб берди.

— Ҳозир мамлакатда, — деди у, — янги ҳокимият ўрнатилди. Муваққат ҳукуматнинг мамлакат ичида ва чет элларда обрўйи шу қадар кучайиб кетдики, Вашингтон ҳукумати бу муваққат ҳукуматнинг мавжудлигини билан ҳисоблашишга мажбур бўлдик.

Ўртоқ Агирре Куба халқи орасида революцион ғайрат жуда кучайиб кетганлигини, Лотин Америкасидаги мамлакатларда АҚШ якин бўлганлиги сабабли империалистик асоратга қарши муваффақиятли курашга олиб бориб бўлмайди, деб даъво қилиб келган кишиларнинг ғоя ва ишларини Кубадаги воқеалар пучга чиқарганлиги ҳақида гапирди.

Бутун халқ курашга қўзғолиб, мамлакатнинг тақдирини ўз қўлига олганида халқнинг галаба қозонишга ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бера олмаслиги ҳақида гапирди.

Халқаро миқёсдаги кучлар янгича жойлашганлиги туфайли, социализм лагери мустаҳкамланганлиги ҳамда Осиё ва Африкадаги мазлум халқлар ўз озодликлари учун муваффақиятли кураш олиб бораётганликлари туфайли Кубадаги кураш галаба қозонди, — деди нотиқ.

Пировардида Куба вакили жаҳоннинг барча коммунистик ва ишчи партияларига Куба халқи билан бирдам бўлганликлари учун миннатдорчилик билдирди. У, КПСС XXI съезди ишига муваффақиятлар тилади ва жуда катта етти йиллик план муваффақият билан бажарилади, деб ишонч билдирди.

Қисқа танаффусдан кейин мажлисда раислик қилувчи ўртоқ **И. Д. Мустафоев** ўртоқ **А. Б. Аристов**га сўз беради

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР халқ хўжалигини етти йил ичида ривожлантиришнинг контроль рақамлари тўғрисидаги доклади, — дейди ўртоқ Аристов. — Совет Иттифоқининг ҳамма жойида, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу тарихий ҳужжатда биз шу съездга қадар эришган жуда катта муваффақиятларимиз кўрсатиб берилди, кенг истиқболлар очиб кўрсатилди, янги даврнинг вазифалари олдимизга қўйилди, коммунистик қурилиш соҳасида партиянинг буюк программаси чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилди.

Бу программанинг ҳаётий кучи, реаллиги шундаки, у, бутун халқнинг иштироки билан ишлаб чиқилди. партиянинг янги жамият қуриш учун кўп йиллар давомида олиб борган шонли курашида қўлга киритган жуда бой тажрибасига таянади. Докладнинг алоҳида қиммати шундаки, мамлакатимизда якин келгусида коммунизм қуришнинг реаллигига бизни кучли фактлар, рад қилиб бўлмайдиган иктисодий ҳисоблар ва ёркин оптимизм билан жуда равшан қилиб ифодаланади ва буни ғоят соддa қилиб тушунтириб беради.

Сўнгра ўртоқ Аристов Совет Иттифоқининг АҚШ билан иқтисодий мусобақаси проблемаларига тўхталади, бизнинг саноатимиз капиталистик мамлакатлардаги саноатнинг ўсишига қараганда жуда тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини айтди. Биз 1920 йилда бутун чор Россияси саноатининг 1913 йилда берган маҳсулотининг фақат бешдан бир қисмига баравар келадиган маҳсулот ишлаб чиқарган эдик. Саноат ишлаб чиқаришининг урушдан олдинги даражасига 1926 йилнинг охирига бориб эришган эдик. Ўша вақтда АҚШ 1913 йилги даражадан қарийб бир ярим баравар ошиб кетган эди. Совет Иттифоқи мамлакатни индустриалаштиришга қаратилган дениича йўлни амалга ошириб, биринчи беш йилликлар давридаёқ олга томон жуда катта сакради ва 1940 йилда саноат ишлаб чиқаришни 1913 йилдагига нисбатан саккиз ярим баравар ошириб юборди. Шу вақт ичида АҚШ да саноат маҳсулотининг ҳажми сал кам икки баравар ошган эди.

Ватанимиз бошига тушган янги, тагин ҳам жуда оғир уруш тинч социалистик қурилишни давом эттиришимизга ҳалақит берди. Натижада Совет Иттифоқи саноат соҳасида кўп йил орқадаги даражага тушиб қолди. Фақат 1948 йилдагина урушдан олдинги даражага етиб олдик. АҚШ да саноат маҳсулоти 1940 йилдаги даражага нисбатан бир ярим баравар юқори эди. Бунинг сабаби ҳам маълум. Чунки АҚШ нинг экономикасини уруш вайрон қилгани йўқ эди, душман бомбалари АҚШнинг устига тушмаган эди, яна бунинг устига капиталистлар қурол етказиб бериш билан шуғулланиб, жуда катта фойдалар олган эдилар.

СССР 1958 йилда 1913 йилдаги даражадан 36 баравар ошиб кетди, АҚШ эса 4 баравардан камроқ ошди. Бундан шу келиб чиқадики, — дейди ўртоқ Аристов, — агар 1913 йилдаги даража билан таққослаб қарасак, етти йиллик планимиз арафасида бизнинг ўсиш суръатларимиз Америкадаги ўсиш суръатларидан 9,5 баравар ошиқ эканлигини кўрамиз.

Совет экономикасини тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлайдиган нарсалар нима? Аввало, бунд бизнинг социалистик тузумимиз, партиянинг ленинча тўғри сиёсати, яъни бутун халқ хўжалигини юксалтиришнинг, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашнинг ва халқ моддий фаровонлигини оширишнинг асосий негизи бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган сиёсат ва бутун халқимизнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ўсиб бораётганлиги, бизда жуда кўп малакали кадрлар борлиги, мамлакатимизнинг битмас-туганмас табиий ресурслари борлиги сингари фактор таъминламоқда. Фақат қазилма бойликларнигина эмас, шу билан бирга ерларимизнинг кенглигини назарда тутганда ҳам, — дейди ўртоқ Аристов, — биз жаҳондаги ҳар қандай мамлакатга қараганда ҳам бой мамлакатмиз. Энг муҳим қазилма бойликлардан 16 тасини олиб қарасак, шулардан ўн учтасининг запаслари жиҳатидан СССР жаҳонда биринчи ўринда туради.

— Қаҳрамон совет халқимиз, — дейди ўртоқ Аристов, — капитализм билан мусобақада ютиб чиқишига астойдил аминмиз.

Сўнгра ўртоқ Аристов, Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганидан кейин саноатнинг ишлари яхшиланиб кетганлигини кўрсатувчи ёркин фактларни аҳтиб берди. Партияга қарши фракциячилар группаси Халқ хўжалиги кенгашларини тузишга жуда ҳам қаттиқ қарши бўлиб чиққан эди. Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганидан кейин орада бир ярим йил ўтгач улар катта амалий ишларга моҳирлик билан киришганликларини ва бу ишларни тез, зўр маҳорат билан ҳал қилаётганликларини очиқ кўриб турибмиз.

Умуман РСФСРда, — дейди нотиқ, — 1958 йилда хўжаликнинг ҳамма тармоқлари план топшириғини муваффақиятли бажарди. Саноат йиллик планни 104 процентга етказиб бажарди. Қишлоқ хўжалигида ҳам яхши натижаларга эришилди. Уй-жой бинолари қуриш топшириғи оширилиб бажарилди. Якинда КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси РСФСР Министрлар Совети билан бирликда ва мутахассисларнинг катта группаси катнашган ҳолда республика халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг проектини муфассал муҳокама қилиб чиқди. Биз объектив маълумотларга ва жойлардан келган таклифларга асосланиб, — дейди ўртоқ Аристов, — РСФСР халқ хўжалигини 1959-1965 йилларда ривожлантириш планини жуда реал план деб ҳисоблаймиз ва бу план муддатидан олдин бажарилади.

Сўнгра ўртоқ Аристов фан ва техникани ривожлантиришнинг бир қанча масалаларига тўхталади. У дедики, ҳатто мухолифлардан ўқиб ўрганишни ҳам кўлдан бермай, чет эл техникаси эришган даражадан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилишда ўзимизнинг йўлимизни асосий йўл қилиб олишимиз керак, чунки ўз йўлимизнинг оригиналлиги, далиллиги ва мустақиллиги аллақачондан бери маълум бир нарсадир. Партия органларининг, халқ хўжалиги кенгашларининг вазифаси шуки, улар, капиталистик фан ва техника билан мусобақада бу етти йиллиқда олга томон янги қадам қўймоқ учун олимларимизга, конструкторларимизга, мутахассисларимизга, ишлаб чиқариш новаторларига ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Сўнгра нотиқ илмий-текшириш муассасаларининг, конструкторлик бюроларининг ва лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини ишлаб чиқаришга якинлаштириш вазифасини таъкидлаб айтдики, Москва ва Ленинграддаги баъзи илмий муассасаларни бошқа иқтисодий районларга ва, жумладан, шарққа — корхоналарга якин ерларга кўчириш зарур.

Ўртоқ Аристов ўз нутқида етти йиллик планни бажаришга халқнинг бутун ижодий кучларини сафарбар қилмоқ, социалистик тузумнинг ҳамма резервларидан ва ҳамма имкониятларидан фойдаланмоқ учун партия органларининг раҳбарлик ролини ошириш масалаларига катта ўрин берди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Камолов**га сўз беради.

Ўртоқ С. КАМОЛОВ нутқи

Ўртоқлар! Ватанимизнинг жаҳон-шумул тарихий тараққиёт жараёни ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев докладида марксча-ленинча назария асосида жуда равшан ва жуда чуқур таҳлил қилиб берилди.

Бутун совет халқи қизғин маъқуллаган етти йиллик контроль рақамлари мамлакатнинг сўнгги йилларда, партия XX съезди ва КПСС Марказий Комитети пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб борилган кураш йилларида экономика ва маданият соҳасида қўлга киритган жуда катта муваффақиятларнинг тош-метиндек мустаҳкам негизига асосланади.

XX съездан кейин раҳбарликнинг ленинча принципларга ва партия ҳаёти нормаларининг тикланиши ва ривожлантирилиши натижасида коммунистик партиянинг раҳбарлик ва етакчилик роли, унинг омма ўртасида олиб борган жуда катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишининг ҳозирги характери, Марказий Комитет ва унинг Президиумининг ички ва ташқи сиёсат масалаларидаги принципиал доналиги айниқса ёркин намоён бўлди.

Марказий Комитет партияга қарши группани ўз вақтида фош қилиб ва тор-мор келтириб, партия бош йўлининг оғишмай амалга оширилишини таъминлаб, шақадар тўғри иш қилганлигини биз ҳаммамиз ҳозир кўриб турибмиз. Партиямиз манфур фракциячиларга қатъий зарба бериб, ўз сафларини янада мустаҳкамлади, янада жиддий ва қудратлироқ бўлиб қолди.

Партия ва давлат раҳбар ядросининг сўнгги йиллардаги фаолияти барча партия ва совет кадрлари учун ленинча иш услуби ва методларининг чинакам мактаби, марксча-ленинча назарияни коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал этишга ижодий татбиқ этишнинг намунасидир. Марказий Комитет президиуми аъзоларининг жойларга тез-тез бориб туришлари, уларнинг қўйи партия, совет ва хўжалик ходимлари билан шахсан учрашувлари, уларнинг корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлардаги ишнинг аҳволи билан бевосита танишишлари, халқ ҳаёти билан чуқур танишишлари катта ижобий натижалар бермоқда. Масалан, Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев ва Марказий Комитет Президиумининг бошқа аъзолари Ўзбекистонга бир неча марта келиб, берган қиммати маслаҳатлари бизга хўжалик ва сиёсий масалаларни муваффақиятлироқ ҳал қилишда катта ёрдам берди.

Шуни хурсандчилик билан қайд қилиб ўтиш керакки, партия шу йиллар-да халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш юзасидан марказдан туриб раҳбарлик қилишни маҳаллий ташаббус ҳамда меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббусини максимал даражада ривожлантириш билан тўғри қўшиб олиб бориши таъминлайдиган туб, чинакам революцион тадбирларни амалга оширди.

Иттифоқчи республикаларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ҳуқуқларининг кенгайтирилиши ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Бу тадбир ленинча миллий сиёсатнинг принципларини изчиллик билан амалга оширилишини ва янада ривожлантиришни таъминлади. Бу тадбир ҳар бир республика ва бутун мамлакатимиз экономикаси ва маданиятининг янада равнақ топишига, кўпмиллатли совет давлати халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи маҳсулоти 20 процент кўпайди. Ҳозир Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг 70 дан ортиқ соҳасига тегишли йирик, техника билан яхши ускуналанган 1.300 дан кўпроқ корхона бор. Совет пахтачилиги аҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик машиналари, тўқимачилик ва кимё саноати учун турли ускуналар, кабель маҳсулотлари, минерал ўғит ишлаб чиқариш кенг ривожланди. Нефть, кўмир ва газ, рангли ва нодир металл-рудалари қазиб чиқариш ва уларни қайта ишлаш анча ўсди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Республиканинг саноат корхоналари КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1958 йил планини муддатидан илгари бажардилар ва пландан ташқари неча юз миллион сўмлик қўшимча маҳсулот бердилар. Шу йилнинг январь ойи плани ҳам муваффақиятли бажаридик.

Ҳозир саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш қандай самарали роль ўйнаганлиги ҳаммага равшан.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми тарихий қарорларини, шунингдек партиянинг қишлоқ хўжалигини кескин даражада юксалтириш ва колхоз тузумини янада ривожлантириш ҳақидаги талабларини амалга ошираётганлиги, ишчиларнинг ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини юксалтиришда жиддий муваффақиятларга эришдилар.

1958 йилда Ўзбекистон давлатга 2 миллион 946 минг тонна пахта сотди, бу эса 1957 йилдагидан 205 минг тонна ва 1953 йилдагидан 514 минг тонна кўпдир. Республика ана шунча миқдордаги пахтани мамлакатга биринчи марта етказиб берди.

1954 йил пахтачиликни юксалтиришда бурилиш нуқтаси бўлди. Ўша вақтда Тошкентда Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон пахтачилик ходимларининг Н. С. Хрушчев иштирокида бўлиб ўтган кенгаши пахтачиликни ривожлантиришнинг янги программасини, агротехниканинг чигитни квадрат-уялаб экиш ва ғўзани икки томонлама механизмлар ёрдамида ишлаш сингари илғор усулларига кескин ўтиш кераклигини белгилади. Ўтган 1958 йилда пахта майдонларининг 80 процента ана шу янги усулда ишланди.

1958 йилнинг бошларида Марказий Комитет Президиуми чақирган ва Кремлда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ пахтакорлар кенгаши совет пахтачилигини юксалтиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Республикада чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги маҳсулотларни етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда озуқа базасини асосан маккажўхори экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига мустаҳкамлаш туфайли эришилди,

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражаси йил сайин ошмоқда. Ўзбек халқининг маданияти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Маданий революциянинг энг катта муваффақияти миллий зиёлилардан иборат кўпминг кишилик армиянинг вужудга келтирилганлиги бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 200 мингга якин мутахассис ишламоқда. 1913 йилда бутун чор Россиясида шунча миқдорда мутахассис ишлаган эди. Республиканинг ҳар ўн минг аҳолисига ҳисоблаганда олий маълумотли мутахассислар сони Туркиядагидан 7 баравар кўп, Эрондагидан эса 28 баравар кўпдир. Илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида 8 мингдан кўпроқ илмий ходим ишламоқда.

14 февралда Москвада Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси очилади. Бу декада Ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг ғоят ўсганлигини намойиш қилади.

Биз чет эл мамлакатлари билан, айниқса Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг роли йил сайин ошиб бораётганлиги билан фахрланамиз. Фақат сўнгги уч йил ичидагина республикага дунёнинг 75 мамлакатидан 5600 кишидан иборат 629 чет эл делегацияси келиб кетди.

Бошқа совет республикалари сингари Ўзбекистон эришган тарихий муваффақиятлар чет эллардаги дўстларимизни хурсанд қилмоқда, тинчлик ва социализм душманларини эса ташвишга солмоқда. Империалистик иғвогарлар ҳар қандай воситалар билан Совет воқелигимизни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Империалистик лагердаги жаноблар хоҳлагинларича валдирайберсинлар, лекин Ўзбек халқи Ватанимизнинг барча халқлари сингари ўз йўлидан, улуғ бахт-саодат йўлидан, коммунизм йўлидан қолибона бораверади **(қарсаклар)**. Биз империалист жаноблларга Ўзбек маколи билан жавоб бераолмиз: «Ит ҳурар, карвон ўтар». **(Кулги. Залда жонланиш).**

Тошкентда бўлиб ўтган кино фестиваль ва Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Адабиётчиларнинг Тошкентда бўлган халқаро учрашуви Осиё ва Африка халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида янги босқич бўлди. Шу конференцияда туғилган «Тошкент руҳи» сўзини ер курраси-даги миллионларча кишилар ҳозир тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашга чақириқ тарзида айтмоқдалар.

Ўртоқлар! Никита Сергеевич Хрушчев доклади тезисларининг съездолди умумхалқ муҳокамаси бутун мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам партия ва халқнинг якдиллиги ва жипслашганлигининг ёркин намойишига айланди. Ҳамма жойларда ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Партиянинг бу тарихий программ ҳужжатини муҳокама қилишда республикада уч миллиондан ортиқ киши қатнашди. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар ва область партия конференциялари ишчанлик вазиятида, фикр алмашув ҳамда принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид авж олдирилган вазиятда ўтди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIV съезди ғоят кўтаринки руҳ ва делегатларнинг жуда активлиги билан ўтди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг контроль рақамларини Ўзбекистон коммунистлари ва республиканинг барча меҳнаткашлари қизғин маъқулладилар ва тўла қўллаб-қувватладилар.

Бошланган етти йилликда Ўзбекистон экономикасининг ҳамма тармоқлари янада ривожланади. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси янада ошади. Республика халқ хўжалигига ўтган етти йилларга 15 миллиард сўм ўрнига 35-36 миллиард сўм капитал маблағ сарфланади, яъни капитал маблағ сарфлаш 2,4 баравар кўпаяди.

Ўзбекистон экономикасининг яна ҳам қудратли юксалишининг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда техника юксак даражада тараққий этади, ишлаб чиқариш процесслари механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади ва шундай қилиб, унда туб ва сифат ўзгариши юз беради.

Ўртоқ Муҳитдинов ўз нутқида жуда тўғри айтганидек, республика жанубида жуда бой табиий газ конининг очилиши муносабати билан Ўзбекистон мамлакат газ саноатининг йирик марказларидан бири бўлиб қолади. Табиий газ чиқаришни 1965 йилда 18,5 миллиард кубометрга етказиш мўлжалланади. Ўзбекистон гази газ ҳамда қувурлари орқали Уралнинг йирик саноат районларига, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга юборилади. Республика ёқилғи балансининг структурасида катта ўзгариш рўй беради. 1958 йилда кўмир истеъмоли 76 процентни, газ истеъмоли 3 процентни ташкил қилган бўлса, 1965 йилда саноат ва аҳоли истеъмол қиладиган газ 60 процентга етади, кўмирнинг ҳиссаси эса 22 процентга тушади. Газ бизда йилига тахминан 16 миллион тонна кўмир ўрнини босади.

Табиий газ билан ишлайдиган янги катта электростанциялар қуриш мўлжалланади. Электр қуввати ишлаб чиқариш икки ярим баравар ортади. Табиий газнинг жуда катта запаслари кимё саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистонда кимё саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпаяди.

Рангли металлургия барқ уриб ривожланади. Рангли металлургия ялпи маҳсулотининг ҳажми етти йиллиқда 6,5 баравар ортади. Республика мамлакатга кўп миқдорда мис, қўрғошин, руҳ ҳамда бошқа рангли ва нодир металлар берадиган бўлади.

Асосан пахтачилик, тўқимачилик ва ип-газлама саноати аҳтиёжларини таъминлайдиган машинасозлик кенг миқёсда ривожланади.

Янги катта саноат корхоналарини, айниқса кимё саноати тармоқларига оид корхоналарни қуриш кенг ҳажмда олиб борилиши туфайли қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Афсуски, марказий лойиҳалаш институти ҳамда кимё бўйича давлат комитети бу масалаларни ҳозирча йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст ҳал қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу ҳолни жиддий яхшилаб олиш керак.

Ўртоқлар! Пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш Ўзбекистоннинг асосий умумдавлат вазифаси эди ва шундай бўлиб қолади. Ўзбек халқи буни Ватан олдидаги, бутун совет халқи олдидаги ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини жуда руҳланиб кутиб олдилар. Қишлоқ хўжалик илғорларининг якинда бўлиб ўтган республика кенгаши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан конкрет мажбурият қабул қилди. Етти йиллиқда республика пахта етиштиришни 3 миллион 600 минг-3 миллион 800 минг тоннага етказиш ёки 1958 йилдагига нисбатан 700-800 минг тонна кўпайтириш мўлжалланади.

Бу жуда катта вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун биз дастлаббан пахта ҳосилдорлигини янада ошириш юзасидан катта иш қилишимиз керак. Етти йилликнинг охирига бориб, биз ҳозирги сўгорилаётган ерларда ҳосилдорликни ҳар гектар ерда камида 4 центнер оширишни мўлжалламоқдамиз. Республика партия ташкилоти ҳамма кам ҳосиллик колхоз ва совхозларни 1-2 йил ичида қолоқликдан тўла суратда чиқариб олишга қарор қилди.

Бу ишда азот ўғитлари ва заҳарли химикатлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш катта аҳамиятга эга бўлади. СССР Госплани ва Қишлоқ хўжалик министрлиги пахтакор республикалар билан биргаликда бу масалани кўриб чиқиб, ҳал этсалар яхши бўлур эди.

Биз катта капитал маблағ сарфлашни талаб қилмайдиган янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада кенгайтиришни пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаи деб ҳисоблаймиз.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув таъминлигини тугатиш ва мавжуд суғориш системаларини техника жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар қилишимиз керак. Биз якин икки-уч йил ичида ғўзани механизмлар билан ишлашга тўла ўтишни ва кетмондан воз кечишни ўз олдимизга асосий вазифалардан бири қилиб қўямиз. Бу эса бизга пахта таннархини анча камайтириш ҳамда пахтакорлар меҳнатини, айниқса хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш имкониятини беради.

Биз пахтачиликда ҳал қилишимиз керак бўлган энг асосий, энг мураккаб проблема ҳосилни йиғиштириб олишни механизациялаштиришдан иборатдир. Бу кечиктириб бўлмайдиган масалага ҳозир ҳамма пахтакор республикаларда партия ва совет органларининг, тегишли илмий муассасалар ва конструкторлик бюроларининг эътибори жалб қилинган. Бу муҳим вазифани ҳал этишда биз СССР Фанлар академиясидан, айниқса Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясидан ҳам жиддий ёрдам кутамиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун умумхалқ курашига ўз ҳиссаларини қўшалилар. Республикада гўшт етиштириш икки баравардан зиёдроқ, сут етиштириш 1,7 баравар, жун етиштириш бир ярим баравар, сабзавот етиштириш 3,5 баравар кўпаяди. Мева, узум, пилла ва корақўл тери етиштириш анча ортади.

Халқнинг турмуш даражаси кескин ошади. Ўзбекистон аҳолисининг истеъмол фонди 60-63 процент ортади.

Ўзбекистон ССРнинг муваффақиятлари ва истиқболи ҳақидаги ана шу қисқача баён партиямиз ленинча миллий сиёсати тантана қилаётганидан жуда яққол далолат беради, ажойиб социалистик тузумимизнинг ўз умрини яшаб бўлаётган капитализм олдидаги буюк афзалликларини характерлайди. Улуғ Коммунистик партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг доимий отанача ғамхўрлиги туфайли, катта ғоямиз — улуғ рус халқи бошчилигидаги Совет Иттифоқи халқларининг тобора мустаҳкамланаётган бузилмас қардошларча дўстлиги туфайли ўзбек халқи бугунги б

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди

31 январь кечки мажлис

Съезднинг ўртоқ **Н. А. Муҳитдинов** раислигида ўтган кечки мажлиси ўртоқ **П. Н. Поспеловнинг** нутқи билан бошланди.

Ўртоқ Поспелов ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу докладда совет халқининг эришган буюк галабаси кўрсатиб берилди, марксча-ленинча назариянинг коммунистик қурилишнинг янги босқичи билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалари қўйилди ва чуқур асослаб берилди, совет жамиятининг социализмдан коммунизм сари тараққий этиб боришининг илҳомбахш истиқболлари ва конкрет йўллари очиқ-равшан кўрсатилди.

КПССнинг XX съездидан кейин ўтган уч йил деди, — ўртоқ Поспелов, — совет халқининг жўшқин ижодий ишлаш йиллари, ўсиб мустаҳкамланиб бораётган социалистик дунёнинг чириб бораётган реакцион кучларга қарши муваффақиятли кураш йиллари бўлди. Ана шу уч йил коммунизм тарихига порлоқ саҳифалардан бири бўлиб киради. Бутун совет халқи, бутун партиямиз шу йиллар ичида КПСС XX съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасида бир жон-бир тан бўлиб фидокорона меҳнат қилдилар. Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва Шепиловларнинг партияга қарши группасигина партиянинг ленинча бош йўлини ревизия қилишга уринди, партия томонидан амалга оширилаётган буюк сиёсий ва иқтисодий тадбирларга ишончсизлик туғдиришга интилди, XX съезд қарорларининг бажарилишига, олга қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Аммо бутун партия ана шу ожиз группани қоралади.

Сўнгра Ўртоқ Поспелов Совет Иттифоқининг обрўси ўсиб бораётганлиги ҳақида гапиради. Буржуа пропагандаси неча ўн йиллар мобайнида Совет Иттифоқини АҚШ ва Англиядан жуда орқада қолган мамлакат деб, совет халқини эса чала савод деҳқонлар ирқи деб тасвирлаб келди. Америка фани, техникаси ва саноатининг устунлиги тўғрисидаги, америкача ҳаёт шакли афзал эканлиги тўғрисидаги фикр юз миллионларча кишиларнинг онгига сингдириб келинди. Аммо тўсатдан кутилмаган ҳолат рўй берди: сунъий йўлдошларнинг учирилиши миллионларча кишиларни ютуқларга тамомила бошқача баҳо беришга мажбур этди. Буржуа пропагандаси ютуқларимиз тўғрисида лом-мим демаса ҳам йўлдошларимиз тўғрисида, ракетамиз тўғрисида гапиришга мажбур бўлмоқда. Шу нарса галаба қилган социализм ва коммунизм даврининг байроғи бўлиб қолдики, русларнинг «спутник» («йўлдош»), «мир» («тинчлик») ва «дружба» («дўстлик») деган сўзлари дунёдаги барча тилларга тўла мазмунли таржимасиз тушунарли ва яқин интернационал сўзлар сифатида сингиб кетди.

Бизнинг етти йиллик планимиз, деди ўртоқ Поспелов, халқнинг турмуш даражасини ошириш учун тинч иқтисодий мусобақалашиш ҳақида барча капиталистик мамлакатларга ва биринчи галда АҚШга қилинган даъватдир. Тинч мусобақалашишга қилинган даъватдир. Бошқа бирон мамлакатга ҳужум қилиш мақсадини кўзда тутган, уруш бошлаб юбормоқчи бўлган бирор мамлакат ҳам 15 миллион квартира қуриш, иш ҳафтасини 30-35 соат қисқартириш, аҳолидан олинадиган солиқларни тамомила бекор қилишни планлаштира олмаган бўлур эди. Гўшт, ёғ, пойафзал, кийим-кечак ва кишининг эҳтиёжлари учун керак бўлган бошқа буюмлар ишлаб чиқариш соҳасида энг бой мамлакатлардан якин йиллар ичида ўзиб кетишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган мамлакатнинг урушни исташи мумкин эмас.

Етти йиллик планнинг амалга оширилиши жаҳон миқёсида кучлар нисбатини янада кўпроқ ўзгартиради, чунки жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг ярмидан кўпроғи социалистик система ихтиёрида бўлади.

Кризис ва тушкунлик ниналигини билмайдиган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак суръатлари, деб таъкидлайди Ўртоқ Поспелов, капиталистик мамлакатларнинг раҳбарларини кўпроқ чўчитиб қўймоқда. Совет фани ва техникасининг юксак даражага эришганлиги, совет халқининг меҳнат ғайрати ва социалистик ватанпарварлиги уларни саросимага солиб қўймоқда. Бизнинг етти йиллик планимиз янги юксалиш рўй бергانлигини, мамлакатимиз тарихий тараққиётининг тобора тезлашиб бораётганлигини исбот этади.

Сўнгра ўртоқ Поспелов ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг программ аҳамиятга эга бўлган айрим назарий қоидаларига тўхталиб ўтади.

Нотиқ югославиялик ревизионистларни қаттиқ танқид қилади. Марксизмдан орқага чекинган ана шу ревизионистлар, деди у, халқаро ишчилар ҳаракатига нифоқ солмоқчи, бу билан сиёсий обрў қозонмоқчи ва океаннинг нариги томонидаги ўз хомийларига яхши кўринмоқчи бўлган эдилар. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Кардош марксистик партиялар ҳозирги замон ревизионизмига қарши курашда ўз хушёрликларини оширдилар, ўзларининг жанговар бирлигини кучайтирдилар ва Югославия раҳбарларининг нифоқчилик хуружларига якдиллик билан зарба бердилар.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қилган доклади, — деди ўртоқ Поспелов, — мамлакатимизда авж олдириб юборилган коммунистик жамият қурилишининг улуғ программаси қўйилган вазифаларнинг равшанлиги, буюклиги ва реаллиги билан илҳомлантирадиган программадир. Етти йиллик планда-ги жуда катта рақамларнинг чуқур мазмуни тўғрисида жиддий фикр юритганингизда бу планнинг бажарилиши бизнинг планетамизда коммунизм даврини очиб беражаги очиқ-равшан бўлиб қолади. Бу рақамлар коммунизмнинг неча ўн миллионлаб актив қурувчилари меҳнатини ифода этади. Етти йиллик планнинг бажарилиши бутун инсоният олдида коммунистик жамиятнинг кўзга ташланиб турган гўзал истиқболларини очиб беради, барча социалистик мамлакатлар тараққиётининг қудратли воситаси бўлади, марксизм-ленинизм учун, коммунизм учун энг яхши агитация бўлади.

«Красное Сормово» заводининг пўлат эритувчиси ўртоқ **Н. И. Анищенков** шу корхона коллективи номидан съездга қизғин салом топширди.

Совет кишилари, деди у, ҳозирги вақтда XXI съезднинг ишларини Ватанимиз учун, Коммунистик партиямиз учун зўр ифтихор туйғулари билан кузатиб турибдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида ҳаётимизни янада бадавлат ва янада гўзал қилишга олиб борадиган йўл равшан кўрсатиб берилган. Барча совет кишилари жонажон Коммунистик партиятга самимий раҳмат айтмоқдалар. Биз Коммунистик партиянинг Ватанимизни гуллаб яшнатиш тўғрисида, халқнинг турмуши ва маишатини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганлигини кун сайин сезиб турибмиз.

Ўртоқ Анищенков съезд номига юборилган телеграммани ўқиб беради. Телеграммада бундай дейилади: Энг кекса «Красное Сормово» заводининг коллективи мамлакатимизда авж олдириб юборилган коммунистик жамият қурилишининг буюк программасини якдиллик билан маъқуллайди. «Красное Сормово» заводининг ходимлари 1959 йилда пландан ташқари икки минг тонна пўлат, икки минг тонна прокат, бир танкер ишлаб чиқарамиз, маҳсулотнинг таннархини ўтган йилдагига нисбатан 10 процент камайтирамиз деб ваъда берадилар.

Икки йил муқаддам, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Анищенков, заводда печ тубининг ҳар квадрат метридан кўп детанда беш тонна пўлат олинган эди. Биз ўтган йили печ тубининг ҳар квадрат метридан 8,4 тоннадан пўлат олдик. Демак, машина ускуналаридан яхшироқ фойдалансак, технологияни яхшиласак, у ҳолда кўп иш қилиш мумкин. Заводда агрегатларнинг иши яхшиланди, пўлатни узлуксиз қуйиш учун СССРда биринчи саноат установкаси ўрнатилди. Бу установка икки йил ичидагина 4 миллион сўмга яқин маблағни тежаш имконини берди.

Мен, дейди ўртоқ Анищенков, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладидан шу нарсани тушуниб олдимки, етти йиллик план тежаш ва эҳтиёт қилиб сарфлаш учун зўр бериб кураш олиб боришни талаб этади. Бу соҳада эса ҳамма ерда, жумладан бизнинг корхонамизда катта резервлар бор. Мисол учун лоақал бошқарув аппаратини олиб қўрайлик. Бизнинг заводимиз бошқармасида ва техника контроли бўлимида инженерлар ва техниклар кўп. Улар цехларда ишласалар кўпроқ фойда келтирган бўлур эди; ортиқча контроллёрлар ва нормаловчилар ҳам кўп. Бу ишда тартиб ўрнатиш пайти келган.

Бизнинг партиямиз, деди ўртоқ Анищенков, буюк вазифаларни қўяди. Бизнинг партиямиз ишчилар синфининг, бутун совет халқининг партиясининг барча ишларини қўллаб-қувватлашига умид боғлайолади. Биз етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат билан ишлаймиз.

Ўртоқ **А. И. Микоянга** сўз берилади. Ўртоқ А. И. Микоян айтдики, съездда муҳокама қилинаётган масала, кун тартибининг таъбирланишига қараб фикр юритганда «қуруқ»дай кўриниши мумкин. Аммо ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади коммунистик қурилишнинг улуғвор симфониясидек жаранглаб эшитилди. Бу доклад етти йиллик план вазифаларидан ҳам кўпроқ нарсани ўз ичига олади. Докладда бир қанча энг муҳим қоидалар таъбирлаб берилди. Бу қоидалар социализмдан коммунизмга ўтиш марксча-ленинча назариясини янада бойитади. XXI съезд XX съезд идеяларини бевосита ривожлантиради. XX съезд баён этган асосий назарий қоидаларнинг тўғрилигини турмушнинг ўзи ҳар соҳада тўла тасдиқлади, бу қоидалар партия қурилиши, мамлакатнинг ички ривожланиши нуқтаи назаридан ҳам, халқаро соҳада ҳам даврнинг синовига бардош берди. Биз XX съездда белгиланган йўлни бу съездда давом эттирмоқдамиз.

Сўнгра А. И. Микоян етти йиллик планнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапиради. А. И. Микоян совет жамиятида рўй бераётган катта сифат ўзгаришларини таъкидлайди ва жумладан ишчилар синфи ва деҳқонларнинг маданияти гоят ўсганлигига эътиборни жалб этади. АҚлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни асосий ҳаётий йўқотишга қаратилган амалий тадбирлар жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Совет демократияси янада ривожланади. Коммунизм сари ҳаракатимизда қўйилган ҳар бир қадам иноннириш ролини оширишга, тазйиқ кўрсатиш воситаларини камайтиришга олиб боради. Эндиликда бизда сиёсий мотивлар билан репрессия қилиш йўқ. Эндиликда пролетариат диктатурасининг ташкилотчилик функциялари, бутун халқнинг кучларини социализм ва коммунизм қуриш учун сафарбар қилиш функциялари бу диктатуранинг асосий моҳияти эканлиги ва тазйиқ кўрсатишни тараққиётнинг муайян босқичларидагина қўлланиш зарур эканлиги янги ижтимоий тузум тараққиёти давомида исбот этилди.

Етти йиллик план аввалги хўжалик планларига нисбатан кўп жиҳатдан шу билан ҳам характерланадики, бу план оғир саноатнинг жуда катта муваффақиятларига ва унинг янада ўсишига таяниб кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада тез кўпайтиришни, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада тез ўстиришни кўзда тутади. Шу давр ичида социалистик мамлакатларнинг ўзаро ёрдами ва иқтисодий ҳамкорлиги янада кенг қулоч ёяди.

Ўртоқ Микоян айтдики, партиянинг XX съездидан кейинги давр ичида кучлар нисбати тинчлик ва социализм лагери фойдасига ўзгарди, социалистик мамлакатларнинг умумий куч-қудрати ўсди. Ҳозирги вақтда урушнинг фатал равишда муқаррар эмаслиги тўғрисида XX съезд томонидан илгари сурилган қоида яшаш ҳуқуқига эга бўлибгина қолмай, балки янги урушга қарши чиқаётган барча кучлар бу қоидани қабул қилдилар.

Ўртоқ А. И. Микоян ўз нутқида якинда АҚШга қилган сафари якунлари ҳақида анча тўхталиб ўтди. Ўртоқ А. И. Микоян жумладан АҚШда партиямизнинг кейинги вақтларда антипартиявий группага яна қарши чиқа бошлаганлигига қандай ҳоллар сабаб бўлганлиги билан қизиққанликларини, оппозициянинг кучайганлиги бу ҳолга сабаб бўлмадимикин, деб шуни билишга қизиққанликларини айтади. Йўқ, деди ўртоқ Микоян бизда тамомила бирлик бор. Бу группа фош қилинган пайтгача унинг сафига бирор киши ҳам қўшилмади. Бизнинг шу съездда партияга қарши группа тўғрисида гапиришдан кузатган мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, мазкур группанинг сиёсий позицияси тамомила нотўғри ва зararли эканлигини фактлар асосида яна бир марта исбот қилиш билан ва ленинчи Марказий Комитетнинг ана шу группага қарши курашда тамомила ҳақли эканлигини яна таъкидлаб ўтишдан иборат. Совет жамиятидаги барча кучларнинг ички бирлиги ҳеч қачон ҳозиргидек кучаймаган эди, партия сафларида ҳозиргидек бирлик ва партиянинг омма билан ҳозиргидек алоқаси илгари ҳеч қачон кўрилмаган эди. XXI съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мислсиз бирлигини, бутун халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини намойиш қилади.

Ўртоқ Микоян АҚШдаги учрашувлари ва суҳбатлари ҳақида гапириб, АҚШдаги оддий кишилар ва савдо-саноат доиралари дўстона кутиб олганликларини таъкидлайди. Улар совет кишиларининг қандай ишаётганлигини ва улар нималарга эришаётганликларини билишга иштаётганликлари сезилиб турар эди. Американликлар бизни тўғри англашни истайдилар: Америка халқи тинчликка ташна эканлиги сезилиб турди. «Совуқ уруш» уларнинг жонига теккан, улар ер юзида тинчлик бўлишини хоҳлайдилар. Атом ва ракета қуроли каби ажал қуроллари мавжуд бўлган ҳозирги шароитда жаҳон урушининг бўлиши нақадар ҳалҳшатли бир нарса эканлигини тушунадилар. Илгари уруш вақтида фойда тўплаш мумкин бўлса, ҳозирги шароитда Америка бизнеси ва бизнесминларининг ўзлари ҳам ҳалок бўлиб кетиши мумкин эканлигини савдо-саноат доиралари тушунмоқдалар.

Мен, деб сўзини давом эттиради Микоян, ўз суҳбатларимизда Америка томонининг «тийиб туриш», «улоқтириб ташлаш» ва «озод қилиш» сиёсати ҳақидаги аввалги сўзларини эшитмадим. Унинг аксинча, президент ҳам, давлат секретари ҳам коммунизмга лаънат ўқишни ўз мақсадимиз, ўз ҳуқуқимиз ва вазифамиз деб ҳисобламаймиз, АҚШ социалистик лагердаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашишни истамайди дедилар. АҚШнинг давлат арбоблари жанжалли масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини билдирдилар. Уларнинг шу гапларидан улар турли ижтимоий-сиёсий тузумлаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш принципини эътироф қилишга мойилдирлар, деган хулосани чиқариш мумкин эди. Аммо модомики шундай экан, гап бўлганидан кейин ана шу гапнинг тўғрилигини исботлайдиган иш ҳам бўлиши керак эди. Ҳолбуки, АҚШ раҳбар арбобларининг кейинги вақтларда айтган гаплари, жумладан давлат секретари Даллеснинг якинда ўтказилган матбуот конференциясида айтган гаплари, деб таъкидлайди ўртоқ Микоян, улар АҚШда бўлган суҳбатларда қилган баёнотлари руҳида иш кўраётирлар деб даъво қилишга асос бермайди.

Ўртоқ Микоян ўз нутқининг охирги қисмида совет ташқи савдоси масалаларига, жумладан Америка Қўшма Штатлари билан савдо-сотиқ масалаларига тўхталиб ўтди. Биз, деди у, американликлар билан ҳам стол атрофида ўтириб, АҚШ ҳукумати истатан тақдирда уч, беш ва ҳатто етти йил муддат билан бир-биримизга мол етказиб бериш тўғрисида улар билан келишиб олишга тайёрмиз. Биз муҳокама қилаётган етти йиллик план, деди ўртоқ Микоян, капиталистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни икки баравар кўпайтиришни кўзда тутади.

Ўртоқ Микоян ўз нутқини тамомлаб айтдики, Ватанимиздан ташқаридаги мамлакатларда бўлган вақтингда Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг улуғворлиги ва куч-қудратини айниқса яққол ҳис этасан, киши. Бизнинг ҳалқимиз Совет ҳукумати ва Коммунистик партиянинг принципиал, изчил ва эпчил ташқи сиёсати билан фахрлана олади. Совет ҳукумати ва Коммунистик партия тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб «совуқ уруш»ни тугатиш мақсадида кетма-кет ташаббус кўрсатмоқда.

Бизнинг ҳалқимиз авж олдириб юборилган коммунизм қурилиши даврига куч, ғайрат, шижоат билан тўлиб тошган ҳолда қадам қўймоқда. Бизнинг ҳалқимиз улуғ мақсадга эгадир ва ана шу мақсадга эришиш йўлларини билади. Бизнинг ҳалқимиз социалистик мамлакатларнинг дўстона оиласида олга бормоқда. Коммунистларнинг ленинчи партияси ҳалқимизни олга бошлаб бормоқда ва янги, янада катта ғалабаларга эришишнинг мустаҳкам гаровни ана шундадир.

Шоир **А. Т. Твардовский** ўз нутқини жамиятимизнинг ҳаётида совет адабиётининг роли ва вазифасига бағишлайди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида ва делегатларнинг нутқларида, деди у, адабиётга биз, ёзувчилар учун мақтовга сазовор бўлган катта эътибор берилди. Бу тамомила тушинарлидир. Адабиёт коммунизм остонасида воқелигимизга кириб келаётган бутун янгиликни бадиий ифода воситалари билан таъкидлаши ва кишиларнинг онгига сингдириши ва бу билан кишиларнинг психологиясига, уларнинг руҳига, фикр юргузиши ва характерига кучли таъсир кўрсатиши керак. Партиямизнинг XXI съезди коммунизм сари голибона ҳаракат қилиб боришимизнинг режаларини белгилайди. Ана шу режалар муносабати билан адабиётнинг роли янада ортади.

Ўртоқ Твардовский сўзини давом эттириб бундай деди: Совет адабиёти шу жиҳатдан бахтлики, жамиятимизнинг асосий ғоявий ва ташкилотчи кучи бўлган коммунистик партия ёзувчиларга ўз асарларингизда жонли турмушни, бу қаётда коммунизм кишиларининг мислсиз ижодий ғайрати ва фаолияти вужудга келтираётган ҳодисаларнинг тўғрилиги ва қонуниятларини акс эттирингиз, деб таълим бермоқда ва ёзувчиларни шунга даъват этмоқда. Партия биз, ёзувчиларни ҳаётга назар солишга даъват этмоқда, энг ҳал қилувчи соҳаларда — руда чиқарилаётган, пўлат қуйилаётган, ғалла етиштирилаётган, чорва моллар боқилаётган, завод корпуслари ва уй-жойлар барпо қилинаётган жойларда, жамият ҳаёти учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарилаётган ва шу билан бирга бу ҳаётни гўзал ва қувончли қилиш учун ҳам керакли ҳамма иш қилинаётган жойларда ҳаётнинг янги ажойиб хислатларини кўриб билингиз, деб таълим бермоқда. Совет адабиётидаги ўз тарихига эга бўлган, вақт эътибори билан революциямизнинг дастлабки кунларидан тортиб, то шу кунлардаги тарихига мос келадиган ҳамма яхши ва салмоқли асарлар — бизнинг энг яхши романларимиз, повестларимиз, шеърларимиз, қўшиқларимиз, поэмаларимиз, пьесаларимиз уларни яратган ижодкорларнинг жонажон халқнинг тинч ва қаҳрамонона меҳнатида энг яқиндан иштирок қилганлиги натижасидир.

Адабиёт ва санъатни халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлаш ҳақидаги адабиёт учун ҳаётбахш чақириқ — ўртоқ Н. С. Хрушчев сўзлаган ҳаммага машҳур нутқининг аҳамияти гоят каттадир.

Бизнинг адабиётимиз партиянинг кейинги йилларда иҳтор қилган ва ҳозирги кунда съездда жаранглаб эшитилаётган барча истаклари ҳамда чақириқларини қай тарика кутиб олмоқда? Адабиётимизнинг ютуғини шубҳасиз, исбот этадиган биринчи далил шундан иборатки, китобхонларимиз ёзувчилар яратган энг қимматли, энг талантли асарларни астойдил тақдирламоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилган буюк маданий революция кўп миллионли китобхонларни вужудга келтирди, шу жумладан ўзи севган китобни сотиб оладиган, уни сақлайдиган ва ўзининг бўш вақтини ана шу китобни ўқиш билан ўтказадиган китобхонларни ҳам вужудга келтирди.

Ўртоқ Твардовский китобларнинг ғоявий-бадиий сифатига талабчанликни қатъий ва кескин суратда ошириш зарур эканлигини, сўз санъаткорларининг ўз китобхонлари олдида катта жавобгар эканлигини таъкидлайди. У хом асарларга қарши кескин эътироз билдиради ва ёзувчиларнинг якинда ўтказиладиган Бутуниттифоқ съезди ёмон китобларнинг чиқарилишига йўл қўйиш, хом-хатала асарларни чиқариш йўлидаги урунишларга йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида, салмоқли мазмунга мукаммал формани мослаштириш тўғрисида, партия ва бутун халқнинг ёзувчиларга боғлаган умидларини оқлаш зарурлиги тўғрисида юз-хотир қилмасдан гаплашиб олишни ўзи учун асосий тема қилиб олади, деб умид билдиради.

Шундан кейин чет эллардаги қардош партиялар бир қанча делегацияларининг съезд делегатлари томонидан самимий кутиб олинган раҳбарлари сўзга чиқадилар.

Германия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Макс Рейман** XXI съезд қатнашчиларига ва Совет Иттифоқининг қаҳрамон халқларига Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва бу партиянинг ҳамма аъзолари номидан қардошларча жанговар салом топширди.

Бу съездда муҳокама қилинаётган улуғ план, деди у, Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг тинчлик мақсадларини кўзда тутганлигини Германия Федератив Республикасида оммага очиқ-равшан кўрсатиб беришимизга, Совет Иттифоқи барча халқларнинг дўсти, шу жумладан немис халқининг ҳам дўсти эканлигини ва учинчи жаҳон уруши хавфини туғдираётган германия империалистлари ҳамда милитаристлари немис халқининг душманлари эканлигини ГФР аҳолисига тушунтириб беришимизга ёрдам кўрсатади. Ўртоқ Рейман Германия Федератив Республикаси аҳолисининг жуда кўпчилиги тинчликни истаётганлиги ва атом уруши тайёргарлигига қарши чиқаётганлиги ҳақида гапиради.

Ўртоқ Рейман сўзининг охирида Аденауэр ҳукумати Коммунистик партияни тақиқлади, лекин шунга қарамай, бизнинг партиямиз яшамоқда ва курашмоқда, деди.

Австрия Коммунистик партиясининг раиси **Иоганн Копленигга** сўз берилади. Австрия коммунистлари ва мамлакат меҳнаткашларининг кенг доиралари, — дейди у, — Совет Иттифоқи халқларининг кейинги йилларда эришган муваффақиятларидан жуда қувонмоқдалар.

СССР буюк хўжалик қурилиши соҳасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритаётган бир пайтда капитализм дунёсида иқтисодий кризис белгилари ортиб бормоқда. Австрияда ишсизлар сони кўпаймоқда.

Совет Иттифоқининг коммунизм қуриш йўлида эришаётган буюк галабалари, — дейди ўртоқ Копленигг, бутун дунё меҳнаткашларида капитализмнинг куни тугаб бораётганлигига, социализмнинг голибона юришини тўхтатиш асло мумкин эмаслигига ишончни оширади.

Англия Коммунистик партияси ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Гарри Поллит** Англия Компартияси номидан съездни табриклайди.

Биз, деди у, XX съездан кейин хилма-хил фаолиятингизнинг ҳамма соҳаларида мамлакатингиз эришган буюк тараққиётни зўр шодлик билан кузатиб келдик. КПССнинг XXI съезди совет халқининг олга қараб қўйдиган янги қадами бўлади, халқаро ишчилар ҳаракати учун, ва хусусан коммунистик ва ишчи партиялар учун умид ва илҳом манбаъи бўлади.

Совет Иттифоқи, дейди ўртоқ Гарри Поллит, социализмнинг капитализмга нисбатан устун эканлигини ёрқин намойиш қилиб кўрсатди. Сизларнинг шу вақтгача қилган ишларингиз учун, бундан буён қиладиган ишларингиз учун, хусусан фашизм устидан қозонган буюк галабангиз учун ва мустаҳкам тинчликни сақлаш ишига қўшаётган ҳиссангиз учун сизлардан астойдил миннатдормиз. Барча ишларингизда муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз, чунки биз буларнинг ҳаммаси ўз манфаатларингизнигина эмас, балки бутун дунё ишчиларининг бахт-саодатини кўзлаб амалга оширилаётганлигини биламиз.

Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Инуд Есперсен** айтдики, КПССнинг XXI съезди икки жаҳон системаси ўртасидаги иқтисодий мусобақанинг янги ва ҳал қилувчи фазаси бошланганлигини кўрсатади.

Ўртоқ Есперсен Дания Коммунистик партиясининг якинда XX съезди бўлганлигини эслатиб ўтди. Интернационал позицияларга қарши чиққан ва партияни марксча-ленинча йўлдан четга чиқаришга уринган ревизионистлар партия съезди олдидан қаттиқ ҳужум қилдилар. Съезд гоят кўпчилик овоз билан Дания Компартиясининг коммунистик ва ишчи партиялар декларациясига тамомила қўшилганлигини таъкидлади. Бизнинг партиямиз ҳозирги вақтда,—деди ўртоқ Есперсен,—ўз сафларининг бирлигини мустаҳкамлаб, бутун кучини ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилмоқда.

Норвегия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Эвиль Левлиен** минбарга чиқади.

Норвегия социал-демократияси кўп йиллардан буён ҳокимият тепасида келаётганлигига ва парламентдаги ўринларнинг кўпчилигини эгаллаганига қарамай, деди у, мамлакатда капитал ҳокимияти тугатилиши уёқда турсин, балки авж олди. Норвегия Шимолий Атлантик пакти орқали Ғарбдаги империалистик кучларга боғлиқ қилиб қўйилди. Норвеж халқи реваншист герман милитаризмининг тикланаётганлигини зўр ташвиш билан кузатиб турипти. Гитлерчи генераллар ана шу милитаризмга бошчилик қилмоқдалар.

Ўртоқ Левлиен қуйидагиларни таъкидлайди: ҳозирги вақтда Норвегия Коммунистик партиясининг асосий вазифаси синфий асосда ишчилар бирлигини вужудга келтиришдан иборат. Ишчилар синфининг кундалик талабларини қатъиқ туриб ҳимоя қилиш, тинчлик йўлида муваффақиятли кураш олиб бориш учун ишчилар синфи ҳаракатининг бирлиги мутлақо зарур.

Ўртоқ Левлиен XXI съездга ва совет халқига қизғин салом топшириб, совет кишиларининг етти йиллик планни бажаришда муваффақиятларга эришувини тилайди.

Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Кэндзи Миямото** съезд делегатларини табриклайди. Партиямизнинг аъзолари ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар, деди у, КПСС XXI съезлига зўр умид билан қарамоқдалар. Биз шунга аминмизки, съезд умумий тинчликни мустаҳкамлашда, жаҳон социализм системасини ривожлантиришда ва СССРда коммунизм қуришдан иборат буюк ишнинг галаба қозонишида жуда катта тарихий роль ўйнайди.

Шу билан съезд ишларида танаффус эълон қилинади.

Навбатдаги мажлис 2 февралда соат 10 дан 14 гача очилади. (ТАСС).

Суратда: Свердлов областидан келган делегатлардан (чапдан) Урал политехника институтининг профессори Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. И. Сиромятников, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Уралтяжтрубстрой трести монтажчилар бригадасининг бошлиғи А. И. Петров, Серов металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси А. М. Сергеев, Нижне-Тагил металлургия заводи Гороблагодатск конининг экскаватор машинисти А. Е. Иванов «Краснодонуголь» трести 2-«Северная» шахтасининг донгдор шахтери съезд делегати Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Яковлевич Мамай билан суҳбатлашмоқдалар.

Н. Ситников фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР САЙЛОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Агитпункт шу кунларда

Шаҳримизнинг 2-Сарқиқуль кўчасида икки қаватли муҳташам бир бино кўзга ташланиб туради. Бу «Средазтрансстрой» 5- қурилиш участкасининг биноси. Биноннинг пештоқига чиройли бўёқларда «Агитпункт» деб ёзиб қўйилган ва у сайловчиларни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайлов кунини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга чақирувчи шиорлар билан безатилган.

Агитпунктнинг ичкарисига кириб борамиз. Кенг хонанинг ўртасида қизил алвонлар тўшалган бир неча столлар ёнма-ён турибди. Унинг бирида янги газета ва журналлар, иккинчисида шахмат-шашкалар ва доминолар қўйилган. Бурчакда сайловга доир адабиётлардан намуналар терилган витрина. Хонанинг тўрида деворда Владимир Ильич Ленининнинг мулойим боқиб турган портрети.

Агитпунктга сайловчилар соат 5 дан кела бошлайдилар. Улар бу ерда газета-журналлар, китоблар ўқиш, шахмат- шашка, домино ўйнаб кўнгил очиш билан шуғулланадилар. Агитпункт дам олиш кунлари айниқса гавжум бўлади. Агитпунктнинг иш плани анча кенг ҳажмда тузилган. Планга кўра агитаторлар билан семинарлар ўтказилади, сайловчилар билан суҳбатлар бўлиб туради.

Коммунист М. Волобуев сайловчилар билан «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик системадир» деган темада суҳбат ўтказди. Агитаторлар ўзларининг КПСС XXI съезди материаллари ҳақидаги суҳбатларида, лекцияларида республикамизнинг экономикаси ва маданий юксалишига доир мисоллардан яхши фойдаланмоқдалар.

Агитпунктда чиқадиган «Совет сайловчилари» деворий газетасининг навбатдаги янги сони чиқарилди. Деворий газетада сайловчиларнинг хатларига кўпроқ ўрин берилган. Сайловчилардан ўртоқ С. Усмоновнинг агитация ишларини яхшилаш тўғрисидаги мақоласи деворий газетада босилиб чиқди. Газета совет сайлов системасини аҳолига тушунтиришда, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда катта ёрдам бермоқда.

Сайловчилар агитпунктга келиб талаб-эҳтиёжларини айтмоқдалар ва турли саволлар билан агитаторларга мурожаат қилмоқдалар.

И. ЗИМИН.

Агитаторлар сайловчилар уйида

Тошкент Электромеханика техникуми биносига жойлашган 82-сайлов участкаси ҳузуридаги 37-агитпункт коллективи сайловга тайёргарликни жонлантириб юборди.

Агитпункт шиорлар, диаграммалар, Советлар сайловига бағишланган ранг-баранг плакатлар билан шинам қилиб безатилган, ҳонага радиоприёмник ўрнатилган.

Бу ерда навбатчи агитаторлар сайловчилар билан суҳбат ўтказадилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар. Сайловчиларга маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган бу агитпунктга газета, оммабоп брошюралар, журналларнинг янги сонлари ўз вақтида келтириб турилади.

Агитпункт мудири И. Кишкин сайловга тайёргарлик даврида қилинадиган ишларнинг муайян планини тузган, ҳамма иш шу план асосида олиб борилди. Планга кўра сайловчилар КПСС XXI съезди материаллари, етти йиллик план топшириқлари билан таништирилади. Бундан ташқари совет сайлов системаси, совет давлат тузуми ва бошқалар тўғрисида лекциялар ўтказиш мўлжалланган.

Шу кунларда агитпунктнинг 75 агитатори уйма-уй юриб сайловчиларнинг рўйхатини олиш билан бирга аҳоли ўртасида республика Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайлови ҳақида оммавий-тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

З. АХТЯМОВА.

Тайёргарлик ишлари кучайтирилмоқда

Қорасув район партия комитети ва ижроия комитети бўлажак сайловларга тайёргарлик ишларини ҳар томонлама кучайтириб юборишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Якинда район партия комитети район сайлов округи, сайлов участкалари ва агитпунктлари раҳбарларининг, бошлангич партия ташкилотлари секретарлари ва старший агитаторларнинг йиғилишини ўтказди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари ўртоқ Э. Муҳаммедов якинлашаётган сайлов муносабати билан район партия ташкилоти ва агитколлективларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди. Йиғилиш қатнашчилари сайловга тайёргарлик соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатишга ва тайёргарлик ишларини ҳамма чоралар билан кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилдилар.

М. МИРЗАЕВА,
И. РУСТАМОВ

Ер ва техникани кўкламга тахт қилиб қўяйлик!

Суратда: Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда ерларни шудгорлаш пайти.

М. Устабобоев фотоси.

Колхоз устахонасида

Ўртасаройга қараб кетган катта йўл устида бир бино бор. Ташқаридан қараганда бу бино қандайдир заводни эслатади. Унинг ичкарисига кирсангиз машиналарнинг гуриллагани, бир-бирига урилган металларнинг жаранглаган овозлари эшитилади. Кенг майдонда ҳархил маркали тракторлар, комбайнлар, сеялкалар, турли қишлоқ хўжалик асбоблари кўзга ташланади.

Коржома кийган, қўллари мой кишилар уёқдан-буёққа ўтади. Баъзилари тракторларни қисмларга бўлиш билан банд.

Бир хонада механик Олтмиш Бойзоқов бошлиқ бир неча киши трактор моторларини тузатиш билан овора. Тракторчи Сотиболди Хушев бош бўлган кишилар тракторларнинг радиаторларини тузатишаяпти. Механик Соли Исҳоқов бошчилигидаги кишилар тракторларнинг орқа мостини, Ориф Ўлжаев бошлиқ кишилар олд мостини ремонт қилишаяпти. Эргаш Худойберганов қишлоқ хўжалик асбобларини кўкламга жадал тайёрлаш ишига бошлиқ. Хуллас Иван Васильевич Телегин мудир бўлган мана шу колхоз устахонасида иш қизғин.

Илгари ҳам бу ерда бўлган эдик. У вақтларда бу ерни Ўртасарой МТСи деб аталарди. Энди бўлса Свердлов номли колхознинг устахонаси деб ном олибди. Лекин ишнинг ташкил этилишига келганда илгаригидан сира фарқи йўқ, деса бўлади.

МТСда тракторлар узловой метод билан ремонт қилинарди. Ҳозир ҳам бу ерда айнан шу методда ремонт қилинмоқда, яхши усул колхоз устахонасида тўла сақлаб қолинган. Илгариги МТС устахонасида токарлик, электр пайванд қилалиган агрегат, темирчилик ва бошқа станоклар бор эди. Ҳозир ҳам шулар ишлаб турибди. Лекин илгарилари бу устахонада отга тақа, араваларга темир қоқилмасди. Баъзи зарур майда-чуйда ишлар қилинмасди. Энди шу устахонада отларга тақа, араваларга темир ҳам қоқиладиган, турли қишлоқ хўжалик асбоблари ремонт қилинадиган бўлиб қолди. Демак, колхоз устахонасида МТС устахонасида қилинмайдиган баъзи ишлар ҳам бажарилмоқда, колхоз эҳтиёжлари қондирилмоқда.

Ҳозир устахонада 45 механизатор ишлаб турибди. Улар колхознинг 1640 гектар пахта майдонини 1940 гектарга етказмоқчилар. 300 гектар қир ерларни ўзлаштириб, пахта майдонларига ўлантирмоқчилар. Шунинг учун ҳам улар 600 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш учун зарур бўлган техникани жадал ремонт қилиш билан бандлар. Колхозда бу йил камида 4 минг 300 тонна пахта етиштириш учун зарур бўлган техникани кўкламгача шайлаб қўйишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Бу йил колхозда Тюпко методида ишлайдиган 4 та трактор-далачилик бригадаси тузилди. Жумладан, Танабек Сафаров 125 гектар пахта майдонида ишлаш учун зарур бўлган техникани ремонт қилмоқда.

Колхоз устахонасида 10 та ҳайдов трактори аллақачон ремонтдан чиқарилган эди. Ҳозир шу тракторлар билан зўр бериб шудгор қилинмоқда. Ҳозиргача колхознинг 90 процент ери шудгор қилиб қўйилди. Бу соҳада Мамат Иминов, Абдураззоқ Бобоқулов синфли тракторчилар, айниқса яхши ишламоқдалар. Улар смена нормаларини ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Устахонада иш кўп. Бу ерда 36 универсал, 4 та пахта териш, 2 та кўрак териш, 3 та ОДН, 14 та сеялка, қанча борона ва бошқа механизмлар, комбайнлар ремонт қилиниши лозим. Ҳозиргача 36 универсалдан 20 таси ремонтдан чиқариб қўйилди. 300 боронадан 200 таси тузатилди. 14 та сеялкадан 10 таси тайёр бўлди. 22 автокачка, 25 бричка тўла ремонтдан чиқди.

— Бор механизмларни ҳамиша шай бўлиб туриши мана шу устахонага боғлиқ. Бу ердаги ишларнинг пухта бўлиши муваффақиятларимизнинг гарови. Механизмлар яхши ремонт қилинмаса, ёзда икки оёқ билан оқсайберамиз. Шунинг учун бизнинг асосий эътиборимиз мана шу устахонадаги ишларнинг пухта бажарилишига қаратилган. Ишлаб турган механизаторларга қулай машиний шароит яратиб берилган. Ҳозир улар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни тўла англаган ҳолда астойдил ишламоқдалар. — дейди колхоз раиси ўртоқ Муҳаммаджонов.

Колхознинг устахонасидагина эмас, далаларда ҳам иш қизғин давом эттирилмоқда. Пахтакорлар қишлоқ хўжалиги илғорларининг республика қурултойида областимиз ҳақида бўлган ҳаққоний танқидлардан тўғри хулоса чиқариб, кўкламга тайёрлик ишларини одиб бормоқдалар. Ҳозиргача Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхозда 55 минг метр ариқ-зовур тозаланди. 5 минг тонна гўнг чиритиш учун чуқурларга тўкиб қўйилди. 833 тонна минерал ўғит ташиб олинди.

— Ўтган йилги ишимиз учун қилинган танқидлар жуда тўғри,— дейди ўртоқ Муҳаммаджонов. — Энди эс-ҳушимизни йиғиб, йўл қўйилган хатоларни бу йил тузатмасак, сира армондан чиқмаймиз. Биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан партиямизнинг XXI съезди белгилаган тадбирларни тўла амалга оширишдек умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшамиз.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Колхоз раҳбарлари бепарво бўлгач...

Ўтган йили «Сталинград» колхози пахта тайёрлаш планини фақат 77 процент бажариб, Оржоникидзе районини анча орқага тортди. Бироқ колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Мақсудов) ва бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Аҳмедов) ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан етарли хулоса чиқармадилар, кузги-қишки ишларни яхши уюштирмадилар. Шунинг оқибатида кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик иши жуда суст бормоқда.

Колхозда йиғим-терим кампанияси тугагач, навбатдаги ишларни бажариш учун эйрим тадбирлар белгиланган ҳам эди. Бироқ ўша тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмаётир. Ҳозирги кунда гўнг ташишга жалб қилинган 20 аравани нинг фақат 50 проценти ишламоқда. Ариқ ва зовурларни тозалаш, қазиш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Вақоланки колхознинг ерларини сув билан таъминлайдиган Оқтепа, Ильич, Гилдирама ва Қир ариқлари тозалашни талаб қилади.

Бу йил колхоз 650 гектар ерга чигит экиши керак. Бироқ, ҳозиргача фақат 400 гектар ер шудгорланди. Бунинг устига ер ҳайдашда агротехника қоидаларига тўла риоя қилинмади.

Колхоз раҳбарлари ҳали вақт бор, деб ҳануз бегам юрибдилар. Улар, ўтган йили об-ҳаво ёмон келгани учун планни бажара олмадик деган эдилар. Агар кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик шу кунлардагидек суст бораверса, ўтган йилгидек бу йил ҳам «аттанг» деб қолиниши турган гап.

К. ЕРНИЁЗОВ,
А. ҚОРАТОЕВ.

Ишчан механизаторлар

«Пискент» совхозининг 1, 5- бўлимлари ва бир неча далачилик бригадалари ўтган йили пахталаб мўл ҳосил етиштириб, йиллик планни тўла ва ошириб бажарди. 1- бўлимнинг Тўлаган Мўминов, Мамадали Сафарматов, Маҳмуд Азаматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида гектаридан 30 — 37 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу ютуққа техникадан унумли фойдаланиш, кузги шудгорлашни вақтида ва сифатли ўтказиб, кўклам экишига пухта тайёргарлик кўриш туфайли эришилди.

Илғор бўлим ва бригадалар бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, 3 миллион 50 минг тоннага муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқдалар. Шудгорлаш ва бошқа қишки тадбирлар пухта амалга оширилмоқда. О. Каримов, Т. Камбаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шудгорлаш тугалланай деб қолди. Ерларни сифатли шудгор қилишда механизаторлардан ўртоқ Н. Колиров ғайрат кўрсатиб ишламоқда. У техникадан унумли фойдаланиб, ҳозиргача 220 гектардан ортиқ ерни шудгор қилди.

А. ҒОЗИХОНОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Верхне-волинск. «Социализм» совхозида ерларни шудгор қилиш суръати кучайтирилмоқда. Ким Алексей бошлиқ бригада механизаторлари унумли меҳнат қилиб, мусобақада олдинда бормоқдалар. Ким Роман, Михаил ўртоқлар сменаси мусобақа ошиб ишламоқда. Исмоилов, Жўраев, Ан Чан Бог сингари тракторчилар 4-бўлимнинг 500 гектарга яқин ерини сифатли шудгор қилиб бердилар.

Т. Маматқулов.

* * *

Чиноз. Оржоникидзе номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган бўлса ҳам, гектаридан олинган ҳосилни 5 центнерданга кўпайтирди. Колхозчилар пахтакорларнинг XIII қурултойи якунини муҳокама қилиб, бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Шу муносабат билан дала ишлари янада кучайтирилди. Шудгорлаш икки сменада олиб борилаётир. Қ. Оҳмонов, Т. Худойберганов, Йўлдошев ўртоқлар фидокорона меҳнат қилиб, шудгорлаш нормасини ошириб бажармоқдалар.

К. Довурбоев.

* * *

Янгийўл. Ленин номли колхозда 1200 гектардан ортиқ ер шудгор қилинди. Тракторчи ўртоқ Нишонбоев ҳозиргача 150 гектардан ортиқ ерни шудгор қилиб мусобақада олдинда бормоқда. Ўртоқ С. Мустафоев бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари шудгорлашни авж олдириш билан бирга, техникани кўклам экишига тайёрлашга ҳам киришдилар. 16 та сеялка ва бошқа асбоблар ремонтдан чиқарилди.

С. Тўлаганова.

„Совет етти йиллик планининг улуғвор мақсадлари"

КПСС XXI съезди ҳақида чет элларда баён қилинган фикрлар

КПСС навбатдан ташқари XXI съездининг иши ҳали ҳам чет эл жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди.

КПСС XXI съезди Болгария меҳнаткашларини гоят руҳланлантириб юборди. Совет Иттифоқининг Софиядаги элчихонаси Болгария меҳнаткашларининг бутун мамлакатда бўлаётган митинглари ва йиғилишларида съездни табриклаб қабул қилинган юзлаб телеграммалар олди. Бу телеграммаларда КПСС тарихий съезди болгар меҳнаткашларини меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликларга руҳлантираётганлиги таъкидланади. Болгария матбуоти съездга бағишланган мақолаларни, ўз мухбирларининг хабарларини, чет элларда баён қилинган фикрларни, съезд делегатлари ва меҳмонлари сўзлаган нутқларнинг баёнини босиб чиқармоқда.

Н. С. Хрушчев доклади, деб ёзади «Земеделско знамя» газетаси, болгар халқини янги қаҳрамонликларга руҳлантирмоқда. Биз енгилмас социализм лагерида турганлигимиз билан фахрланамиз, бу лагернинг кучлари кундан-кунга ўсмоқда.

Германия Демократик Республикасининг матбуоти ва радиоси КПСС XXI съездининг ишини кенг равишда шарҳламоқда. «Берлинер цейтунг» газетаси СССР халқ хўжалигининг етти йиллик плани тўғрисида Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган доклади иқтисодий соҳада тинч мусобақани авж олдириш ҳақида Совет Иттифоқининг капиталистик дунёга кўпдан янги таклифидир, деб ёзади. «Нейес Дейчланд» газетаси «Инсониятга абадий тинчликдан дарак берувчи етти йил» деган сарлавҳа остида Н. С. Хрушчевнинг докладида тинчликни ҳимоя қилиш, қуролсизланиш масаласи, шунингдек Германия масаласи ҳақида айтилган фикрларни босиб чиқарди.

Руминиядаги «Роминиа либера» газетаси бундай деб ёзади: Совет етти йиллик планининг улуғвор мақсадлари, Н. С. Хрушчев докладида баён қилинган дадил планлар бизнинг мамлакатимизда ҳаммани бенихоя қойил қилмоқда ва қувонтирмоқда. Халқимиз бу улуғвор программада ўз келажагининг манзарасинигина эмас, шу билан бирга мамлакатимизни ҳам ўз ичига олган улуғ социалистик оилани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг асосий манбаини ҳам кўриб турибди.

Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних маҳаллий ҳокимият органлари учун кадрлар тайёрловчи Будапешт академиясининг ўқитувчилари ва тингловчилари билан суҳбатда КПСС XXI съездининг иши ҳақида гапириб, бундай деди: «Совет Иттифоқининг тараққиёти, унинг куч тўплаг илиги мамлакатимиз ва халқимиз тақдирига ҳамиша катта таъсир ўтказиб келди. Съезд бундан бўёғи етти йилга мўлжалланган планни муҳокама қилмоқда. Бу план коммунизмга ўтиш бошланганлигини билдиради. Бу эса, бизларнинг ҳаммамизга умидлантирувчи истиқболлар очиб беради, социалистик лагернинг ҳамма мамлакатларида фаровонлик ошувидан, ривожланишнинг тагин ҳам тез жадаллашувидан дарак беради.

Пхеньяндаги «Минчжу чосон» газетаси Н. С. Хрушчев докладини шарҳлаб, бутун прогрессив инсоният, шу жумладан, Корея халқи ҳам СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини тинчлик ва коммунизмнинг улуғ планы деб қизғин табриклайди» деб ёзади.

Канада матбуоти Н. С. Хрушчев докладини кенг равишда шарҳламоқда. Бу шарҳларга қараганда, Канада жамоатчилиги СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини ва бу план социализм билан капитализм кучларининг нисбатига таъсир ўтказишини тан олаётганлигини кўрсатади. Матбуот етти йиллик план бутун халқаро вазиятга ўз таъсирини ўтказади, деб ёзади. Газеталар Н. С. Хрушчев докладини анализ қилиб, қуйидаги икки асосий хулосага келмоқдалар: биринчидан, Ғарб мамлакатлари Совет Иттифоқининг социалистик система билан капиталистик система ўртасида тинч мусобақа қилиш тўғрисидаги даъватини қабул қилмаслиқлари мумкин эмас; иккинчидан, иқтисодий ва социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкин, деган принцип ва «совуқ уруш»дан воз кечиш ҳозирги вақтда мақбул бўладиган бирдан-бир сиёсатдир.

Совет экономикасини ривожлантиришнинг етти йиллик планда мўлжалланган суръатлари, деб ёзади «Торонто дейли стар» газетаси, Америка экономикасининг энг яшнаган йилларидаги ривожланиш суръатларидан ҳам анча ортиқдир. Совет кишилари тагин ҳам мукаммал, тагин ҳам бадавлат ва тагин ҳам фаровон турмуш кечирадиган бўлиб қоладилар. Улар зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммасини мўлкўл қилиб олишга ва яхши уйларда яшашга муваффақ бўлиб, ишлаб чиқариш соҳасида бошқа мамлакатларнинг ҳаммасидан ўзиб кетадилар.

Совет Иттифоқи, деб давом қилади газета, бутун дунёдаги ўзининг таъсирини таққослаб бўлмаслик даражада кучайтиради. Тинч қурилишнинг Н. С. Хрушчев докладида баён қилинган кенг программаси Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига ишонаётганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Ғарб мамлакатлари, деб таъкидлайди газета, Н. С. Хрушчевнинг «совуқ уруш»га барҳам берайлик деган чақиригига жуда жиддий қарашлари лозим. Бунга эришмоқ учун ҳар иккала томон бир-бирига ён беришга тайёр бўлиб туриши керак. Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездидаги доклади, деб ёзади Канададаги «Файнэншл пост» газетаси, «жаҳон тарихида бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши мумкин».

Камбоджадаги «Прачеачон» газетаси съездга бағишланган бошмақоласида совет халқининг КПСС раҳбарлигида эришган муваффақиятларига тўхталиб, марксизм-ленинизм идеяларининг голибона кучи борлигини қайд қилади. Биз, — деб ёзади газета, — КПСС XXI съездининг ишига муваффақиятлар тилаб ўзимизнинг энг самимий истакларимизни йўллаймиз. Камбоджа халқи совет халқининг ишларига қойил бўлмоқда ва Камбоджа-Совет дўстлиги абадий ва бузилмас дўстлик бўлиб қолишини истайди.

Японяядаги «Хокайдо симбун» газетаси КПСС XXI съездининг ишини шарҳлаб, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги етти йиллик планига жуда тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа деб баҳо бермоқда. Н. С. Хрушчев докладида етти йиллик план вазифаларидан ташқари, деб ёзади газета, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган бир қанча муҳим таклифлар, шу жумладан, буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашини чақириш тўғрисидаги ҳамда Узоқ Шарқда ва Тинч океан районида атомсиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги таклифлар ҳам бор. Бу таклифларни, деб таъкидлайди «Хокайдо симбун» газетаси, жуда эътибор бериб ўрганиш керак. Сўнгра газета Н. С. Хрушчев доклади социал системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши зарур деган фикр билан суғорилганлигини қайд қилади. (ТАСС).

Руминияда Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қилган доклади тексти брошюра қилиб чиқарилди

БУХАРЕСТ, 1 февраль, (ТАСС). Руминия Халқ Республикаси давлат сиёсий адабиёт нашриёти Н. С. Хрушчевнинг КПССнинг навбатдан ташқари XXI съездида «СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида» қилган доклади текстини кўп нусхада брошюра қилиб нашр этди.

ВДРда энг катта радиостанция

ПЕКИН, 2 февраль, (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Ханойда Вьетнам Демократик Республикасида энг катта радиостанция фойдаланиш учун топширилди. Радиостанция 1956 йилнинг охирларида қурила бошланган эди. Радиостанцияни қуришда Хитой Халқ Республикаси Вьетнам Демократик Республикасига катта ёрдам кўрсатди.

Телевизор экранида

3 ФЕВРАЛДА

19.30. Болалар учун мультипликацион фильм.
19.50. «Узбекистон саноати етти йиллинда» деган эшиттириш.
20.05. Хужжатли фильм — «Брюссель».
21.25. Сўнгги ахборот.
21.45. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

Яқинда Навоий номидаги опера ва балет театрида бадиий ҳаваскорлар томонидан Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига атаб тайёрланган «Шодлик достони» спектакли кўрикдан ўтказилди. Бу қизиқарли саҳна асари И. Аҳмедов ва А. Киктев ўртоқлар ёзган сценария асосида тайёрланган. Декада тамошасини саҳнага қўйишда республикамизнинг ҳамма областларидан келган ҳаваскорлардан 150 дан ортиқ киши қатнашди. Бирорта ҳам профессионал артист иштирок этмаган бу спектакль ҳаммага жуда манзур бўлди. Суратда: ҳаваскорлар спектаклнинг финал қисмини ижро этмоқдалар.

А. Палехов фотоси.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ФЕЛИКС МЕНДЕЛЬСОН-БАРТОЛЬДИ

Немис халқининг атоқли композитори Феликс Мендельсон-Бартольди ўн ёшиданоқ пианиночи сифатида концертларда қатнашган. Аммо гамбургли бу боланинг келажакда дунёга машҳур композитор бўлиб етишишини ўша маҳалда ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Мендельсон ўзининг биринчи йирик асари — «Ёз кечасидаги

туш» номли увертюрасини 17 ёшида ёзади. Композитор бу асарида Шекспир комедиясидаги хушчақчақ ҳис-туйғулар ва поэтик маҳоратни усталик билан бера олган.

Биринчи йирик асар муваффақияти композиторни янги ижодларга илҳомлантиради. У симфония, увертюра, оратория, концертлар, сонаталар, трио, квартетлар, айрим музика асбоби ва овозлар учун асарлар ёзади.

Мендельсоннинг фортепиано учун яратган пьесалари, айниқса «Сўзсиз қўшиқлар»и юксак маҳорат билан ёзилган. Ёқимли мелодиялар киши қалбидаги ҳис-туйғуларни чуқур ифода этади. Худди киши овозига ўхшаб жарангловчи оҳангнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туриши тингловчини сеҳр қилгандек бўлади.

Шотландия симфонияси Мендельсон ижодининг энг яхши саҳифаларини ташкил этади. Композитор бунда Шотландия саёҳатидан олган таассуротларини музика орқали ҳикоя қилади. Скрипка учун ёзилган концерт Мендельсон ижодининг дурдонасидир.

Улуғ рус композитори Чайковский Мендельсон ижодига юқори баҳо берган. Композитор музика маорифи соҳасида ҳам кўп ишларни қилди. Унинг ташаббуси билан Лейпцигда Германияда биринчи бўлган консерватория очилган эди. Шундан сўнг Лейпциг мамлакатнинг йирик музика марказига айланиб қолади. Тугилганига 150 йил тўлган бугунги кунда музикани севувчи ҳар бир киши жаҳон музика маданиятига ўз ҳиссасини қўшган Мендельсон хотирасини ҳурмат билан тилга олади.

БИЛДИРИШ

Шу йил 4 февраль, чоршанба куни кеч соат 8 да Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида (1-Май кўчаси 20) Тошкент шаҳар ёш ёзувчилари семинарининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Бунда шоирУйғун шеър ҳақида суҳбат ўтказади.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи ёш ёзувчилар билан ишлаш комиссияси.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкенттинг тамоша заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — Москвада бўладиган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадаси олдидан — 3/II да янги спектакль — **Орзу** (балет).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — Москвада бўладиган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадасига бориш олдидан — 3 ва 4/II да **Хайрлашув концертлари.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 4 ва 5/II кеч соат 8 яримда **«Салом, Москва»** деган икки бўлимда эстрада тамошаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. «Шўх айиқлар»** аттракционининг давоми. Айиқларни ўргатувчи — хитой артисти **Чжен Хан-тин.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 февралда СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

Тамарахоним концерти

Программада: жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари.

Доирада **Г. Азимов,** гижжакда **К. Қосимов,** найда **Р. Ҳамдамов,** чангда **Э. Тошматов,** рубобда **Х. Умаровлар**дан иборат ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Москвада бўладиган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадасига бориш олдидан

4 февралда

ҚОРАҚАЛПОҚ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва балетмейстери — Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти **Лизахоним Петросова,** музика раҳбари — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Халимов,** дирижёр — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **А. Султонов,** хормейстер — Қорақалпоғистон АССР халқ артисти **А. Давлаткелдиева,** концертмейстер — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Х. Турдиқулов,** ансамбль режиссёри — Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти **Ю. Шарипов.**

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кун дуз соат 3 дан сотилади.

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА

бир кун олдин

БИЛЕТ СОТУВЧИ

касса очилди

Бу касса жума кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 11 дан кундуз 3 гача ишлайди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01049. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1526.